

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا

"Ва йўлга қодир инсонлар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир" (Оли Имрон, 97).

ҲАЖИ МАБРУР КИШИНИНГ ГУНОҲЛАРИ КЕЧИРИЛАДИ

Абу Ҳанифа (Аллоҳ у кишини раҳматиға олсин) Алқамадан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилади: "Ҳазрати Пайғамбар (у зотға Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин): "Ҳажга борган кишининг (гуноҳлари) кечирилади. Ҳажга борган киши муҳаррам ойи чиққунига қадар Аллоҳдан мағфират сўраса, унинг ҳамма гуноҳлари афв этилади", дея марҳамат қилдилар".

Абу Ҳанифа

(Аллоҳ у кишини раҳматиға олсин) Қайсдан, у Торикдан, у Ибн Масъуддан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилади: Ибн Масъуд (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) айтди: "Расулulloҳ (у зотға Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин) марҳамат қилдилар: "Ҳажнинг энг афзал амали баланд овоз ва оқизишдир. Баланд овоз талбия ва таҳлил айтиш, оқизиш эса, қурбонлик сўйишдир".

Абу Ҳанифа (Аллоҳ у кишини раҳматиға олсин) Абдуллоҳ ибн Динордан, у Ибн Умардан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилади. Ибн Умар (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) айтди: "Бир саҳобий:

— Ё Расулulloҳ! Ихромли қандай кийим кияди? - деди.

— Кўйлак, салла, камзул, иштон, қалпоқ ва сариқ ранг билан бўялган кийим киёлмайди. Нали (тахта шиппаги — Тарж.) бўлмаса, маҳсиларни тўпикларидан пастидан кесиб кийсин, — дедилар Расули акрам".

Абу Ҳанифа (Аллоҳ у кишини раҳматиға олсин) Ато ибн Абу Рабоҳдан ривоят қилади. Ато ибн Абу Рабоҳ

айтди: "Расулulloҳдан (у зотға Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин) сўралди:

— Ё Расулulloҳ! Сиз нега Рукнул Яманийни кўп истилом қиласиз?

Марҳамат қилдилар:

— Ҳар гал у ерга етганимда Жаброилнинг (у зотға Аллоҳнинг саломи бўлсин) у ерда турганини, Аллоҳ таолодан рукни истилом қилганларнинг гуноҳини кечишини сўраётганини кўраман".

Абу Ҳанифа

(Аллоҳ у кишини раҳматиға олсин) Абдуллоҳ ибн Динордан, у Ибн Умардан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилади. Ибн Умар (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) айтди: "Рукнул Яманий билан Ҳажарул асвад орасида Аллоҳ расули (у зотға Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин): "Эй Аллоҳим! Кофирликдан, фақирликдан, хорликдан, дунё ва охиратда шармандали ўринлардан Ўзинг паноҳ бергин", деб дуо қилар эдилар".

Абу Ҳанифа (Аллоҳ у кишини раҳматиға олсин) Нофеъдан, у Ибн Умардан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилади. Ибн Умар (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) дедилар: "Ҳазрати Пайғамбарнинг қабрларини мана бундай зиёрат этиш суннатдир: қибла тарафдан ҳазрати Пайғамбарнинг (у зотға Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин) қабрларига келиб, юзни қабрга қаратиб: "Ассалому алайка аййуҳаннабиййу ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ" (Аллоҳнинг саломи, раҳмати, баракоти сизга бўлсин, эй Набий!), дейсиз".

Имоми Аъзам Абу ҲАНИФА,
"Муснад" китобидан

МУНДАРИЖА

Бугуннинг гапи
Ҳаж мабрур кишининг
гуноҳлари кечиради1

Ҳаж — 2005
Муборак сафар ҳозирлиги
.....4

Тафсири
Ваҳба Мустафо ЗУҲАЙЛИЙ
Фил сураси6

Рангин туйғулар
УМИДА
Биздан салом етказинг13

Ёмонликдан қайтарув
Завқиддин ОРИФ
Сабрсизлик мусибати14

Мактуб
Озодахон ОМОНУЛЛОҲ қизи
Дадам, дадажоним...15

Олисларга саёҳат
Мароқаш Республикаси16

Тафаккур
Юсуф УСМОН
Иқро20

Ҳаж таассуротлари
Норқул ҳожи БЕКМИРЗА ўғли
Йиғи келди қалбимга22

Ҳидоят топганлар
Исмоилжон АЛИЕВ
Масжид олис эмасми?23

Шеърят
ЧОРШАМЪ
Ёзган билан сатрим тугамас24
Бахтиёр ФИДОЙИ
Баҳорга интиқ қалбим
.....25

Ибратли ривоятлар
Ҳаж қилдингми?28
Қонингиз, молингиз
бир-бирингизга муқаддас
.....29

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ножоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз

Яхшиликка чақирув
Ҳорунхон АЮБХОНОВ

5

СИЗ ҲАЖГА ОТЛАНЯПСИЗ...

Ҳажда ниҳоятда сабр-бардошли, қаноатли ва итоатли бўлиш талаб этилади. Кимдир ибодат чоғида беҳосдан туртиб юбориши, оёғингизни босиб олиши ёки билмай озор етказиб қўйиши мумкин. Шунда сиз кечиримли, ҳамсафарларингиз етказган озорларга сабрли бўлинг. Бирор кишини оғринтириб қўйсангиз, дарров узр сўраб, кўнглини кўтаринг. Бир йўлдошингиз ибодат чоғида қийналиб қолган бўлса, ёрдамга ошиқинг. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тилингизга эрк берманг. Ҳатто ҳақорат қилишса ҳам, сиз очиқ юз билан муомала қилаверинг, шунда фақат ютасиз.



Хабарлар

10

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



*Жазоир ҳукуматининг
қарори*

Жазоир ҳукумати аҳолининг асосий қисми мусулмон бўлган мамлакатда протестант миссионерлик ҳаракатининг олдини олишга қаратилган қонун лойиҳасини маъқуллади. "Қонун лойиҳасининг мақсади одамларни қонунчиликдаги Исломдан бошқа динларга оғдириб олишга йўл очиб бераётган "туйнук"ларни йўқ қилишдир", дейилади Вазирлар Маҳкамаси тарқатган ҳужжатда.

Фикҳ

12

ҚУРБОНЛИК ИБОДАТИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ



Агар жонлиқни қас-собга сўйдирса, қас-соб сўйишни буюрган кишининг қурбонлиги эканини ният қилади. Агар қас-соб билан бирга пичоқни ушласа, у ҳам жонлиқ гўшти ҳалол бўлиши учун "Бис-миллаҳи. Аллоҳу акбар" дейиши лозим.

Мунозара

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН

18

"МАРМАР"У "АШТАРХОН" ҚАНИ? "ОЛМАКИ"Ю "ЎЗБЕКИСТОН" ҚАНИ?

Этибор беринг, чатиштирилган уруғ ишлаб чиқарувчилар бошда бу уруғларини сизга текинга таклиф қилишади. Обдан шу уруғликдан фойдаланишга ўтиб, қўлингиздаги (мамлакатингиздаги) экологик тоза, анъанавий уруғларни йўқотиб бўлганингиздан кейингина унинг баҳосини англайсиз, қадрига етасиз.

Болалар саҳифаси

Омонуллоҳ МУТАЛ

26

МЕНИ МАККАТУЛЛОГА ОЛИБ БОРАСИЗ-А?



— Эй қодир Аллоҳ, мана шу норасиданинг қалбига муқаддас уйингга бориш ишқини солибсан, Сендан илтижо қилиб сўрайман, кўпчиликнинг боласи қатори унинг умрини узун, бахтини бутун қилиб бергин. Менга уни Каъбатуллоҳга олиб боришни насиб эт...

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФҲОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Дурбек ОБИДЖОН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқова

«Voris-Design» марказида тайёрланди.

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўгли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.3742.24-34-04

Раҳбари Ўктам ҳожи Умрзоқ

Фарғона вилояти — 8.37357.2-12-38

Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин

Манзилимиз:

700021, Тошкент шаҳри,

Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;

Тел: 49-18-26, 144-36-53.

Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uzИнтернет почтаимиз: admin@hidoyat.uz


Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида

рўйхатга олинган.

Гувоҳнома рақами 170.

Босишга 2005 йил 25 ноябрда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2005 йил 29 ноябрда топширилди.
Қороз бичими 84x108^{1/16}. Адади 12000 нусха. 250-сон буюртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганда исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.



МУБОРАК САФАР ҲОЗИРЛИГИ

Шу кунларда бу йилги муборак ҳаж сафарига тайёргарлик ишлари жуда қизғин. Мухбиримиз Тошкентдаги "Новза" жомеъ масжидида бўлиб, ҳажга ҳозирлик ишлари билан қизиқди.

Саидбахром ФУЛОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси халқаро бўлими мудири:

— Алҳамдулиллаҳ, мустақиллик шарофати билан юртдошларимиз орасида ҳаж ибодатини ўташни истаганлар тобора кўпаймоқда. Уларга ғамхўрлик, шароит ҳам йилдан-йилга яхшиланяпти. Бу йилги ҳаж мавсумига тайёргарлик ўтган йилги ҳаждан қайтибоқ бошланган эди. Даставвал аризалар ўрганилиб, ҳажга бориш истагидагилар ҳар йилгидан кўп экани аниқланди. Шу боис Саудия Арабистони Ҳаж вазирлиги билан маслаҳатлашиб, яна мингта ўрин олишга муваффақ бўлдик. Демак, энди ўтган йилгидек тўрт минг эмас, бу йил беш минг нафар юртдошимиз улуғ ибодатни адо этиш имконига эга бўлиб турибди. Энг муҳими, у муқаддас тупроқларда ҳожиларимизнинг кўпроқ ибодат қилишлари учун қулай шароит яратиш. Шу боис ҳожиларимиз жойлашадиган меҳмонхоналар Мадинада Масжиди Набавийга яқинроқ, Маккада Каъбатуллоҳ минтақасида бўлишига ҳаракат қилинди.

Ҳажга тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам энгиллик бўлди. Аввалги йиллари

ҳажга борувчилар маҳалладан бошлаб, кўп идораларга алоҳида мурожаат қилишар, анча овора бўлишар эдилар. Энди эса бундай ишларнинг аксарияти вилоятлардаги ҳажга жўнатиш марказларида ҳал қилинади.

Масалан, "Новза" жомеъ масжидида Тошкент шаҳри ва вилоятдан ҳажга борувчиларнинг ҳужжатлари расмийлаштириляпти. Ўзбекистон Миллий банки бўлинмаларининг хазинабонлари чақирилиб, пуллар шу ернинг ўзида қабул қилинди. Махсус тиббиёт хизмати ташкил этилгач, ҳожиларнинг соғлиги кўриқдан ўтказилди. Арабистон шароитида ҳар хил касалликка чалинмасликлари учун эмланди. Муборак сафарга отланаётганлар ҳаж арконларини яхши билишлари керак. Уларга ихром кийишдан тортиб Макка ва Мадинада юриш одобига тушунтирилди. Бунга оид махсус ҳужжатли филм намойиш этилди.

Бу ишларимизнинг ҳаждек улуғ фарз амални адо этишга ҳозирланиб турган юртдошларимизга фойдаси тегса, фақат хурсанд бўламиз.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

ёзиб олди

СИЗ ҲАЖГА ОТЛАНЯПСИЗ...

Ҳаж намоз, рўза, закот каби Ислоннинг асосий ибодатларидан. Аллоҳ таоло қодир мусулмонларгагина фарз қилган. Аллоҳга шукр, ҳар йили дунёдаги милёнлаб мусулмонлар қатори ватанимиздан ҳам кўплаб ҳожилар бу баданий, молӣ ва руҳий ибодатни адо этиб қайтишяпти.

Ҳаж ибодатимиз комил бўлиши учун зарур бир неча нозик нуқталар бор. Кўпгина ҳожиларимиз буларга эътиборсизлик қилишади. Бир неча марта ҳаж қилиш шарафига эришган ходимнинг сифатида бу йил ҳажга отланган мусулмонларимиз диққатини ана шуларга қаратмоқчи эдим.

Биринчидан, ҳожиларимиз ўзларини ана шу улуг ибодатга олдиндан тайёрлаб боришлари керак. Бунинг учун даставвал қанча маблағ сарфлаб, қанча йўл босиб, машаққатлар чекиб Байтуллоҳга қилинадиган сафарнинг туб моҳиятини ва мақсадини яхши англаб олиш зарур бўлади. Сиз дам олиш ёки саёҳат қилиш учун ёхуд табаррук жойларни зиёрат қилишга бормаясиз. Сиз Аллоҳнинг Ислон умматига фарз қилган ибодатини адо этишга, Унинг розилигини топишга, Парвардигорингизга яқинлик ҳосил қилишга, гуноҳлардан фориғ бўлишга борясиз. Шунинг учун сафар олдиндан ҳажнинг арконларини, бажариладиган амалларни ва ўқиладиган дуоларни, ихромда бўлганингизда нималар тақиқланганини яхшилаб ўрганиб олинг. Ўтган ҳажлар пайтида айрим ҳожиларимиз пухта тайёргарлик кўрмаганларидан ибодат чоғида кўп қийналишди, ҳатто айрим амалларни чала бажариб, ибодатлари камчиликли бўлиб қолди.

Улуг сафарга жўнашдан олдин вужудингизни, қалбингизни батамом поклашга ҳаракат қилинг. Руҳингизни ҳаж қийинчиликлари, у ерда дуч келинадиган машаққат ва синовларга тайёрланг. Кетиш олдиндан оила аъзолари, қариндош-уруғлар, ёру дўстлар билан яхши сўзлар айтиб хайр-хўшланинг. Аразлашган ёки урушиб қолган яқинларингиз билан ярашиб, узр сўранг, уларни рози этинг. Қарзингиз бўлса, узишга ҳаракат қилинг. Қалбдаги гина, адоват, гашлик, бесаранжомлик ўрнини том маънодаги хотиржамлик, поклик, ихлос, итоат, кечирувчанлик, сабр эгалласин.

Ҳаж пайтида ҳожиларимиз аҳамият беришлари ниҳоятда зарур бўлган икки муҳим нарса бор. Булар интизом ва сабрдир. Агар кишида ана шу икки нарса етишмаса, у ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ибодатига зарар беради. Ҳар йили гуруҳ раҳбарлари дуч келадиган, қанча тушунтиришлар, тавсияларга қарамай, муҳтарам ҳожиларимиз барибир йўл кўяверадиган интизомсизлик ҳолатлари ибодатларимизнинг комиллигига путур етказяпти. Ҳамма учун ўринлар етарли бўлишига қарамай, самолётга, автобусларга чиқиш-тушишдаги "ким ўзар"га югуришлар, аёлларни, кекса-нимжонларни туртиб-йиқитиб жой талашишлар, меҳмонхоналар ва йўллардаги, ибодат чоғидаги интизомсизликлар, гапнинг рости, юртимиз ҳожилари шаънига фирт номуносибдир. Ҳожиларимиз бошқа давлатлардан келганларнинг уюшқоқлиги, тартиб-интизомига гувоҳ бўлатуриб ҳам, ўзлари тартиб-қоидаларни бемалол бузаверишади. Гоҳ автобус тўла одам бир интизомсиз кишининг меҳмонхонадан чиқишини кутиб, соатлаб хуноб бўлади. Хизмат кўрсатувчиларнинг ҳар бир дақиқаси ҳисобда эканини, айрим арконларнинг адо этилишини асло кечиктириб бўлмастларини яхши тушуниб олиш керак.

Ҳажда ниҳоятда сабр-бардошли, қаноатли ва итоатли бўлиш талаб этилади. Кимдир ибодат чоғида бехосдан туртиб юбориши, оёғингизни босиб олиши ёки билмай озор етказиб қўйиши мумкин. Шунда сиз кечиримли, ҳамсафарларингиз етказган озорларга сабрли бўлинг. Бирор кишини оғринтириб қўйган бўлсангиз, дарров узр сўраб, кўнглини кўтаринг. Бир йўлдошингиз ибодат чоғида қийналиб қолган бўлса, ёрдамга ошиқинг. Бориб-келгунча ширин тилли бўлинг, ҳар қандай ҳолатда ҳам тилингизга эрк берманг. Бошқалар ҳатто ҳақорат қилса, сиз очиқ юз билан муомала қилаверинг, шунда фақат ютасиз.


Ҳаж умрда бир бериладиган имконият, бунга бепарво бўлманг. Ахир, қанча қийинчиликлар чекиб, қатта маблағ ва саъй-ҳаракатлар эвазига борясиз ҳажга.

(Давоми 9-бетда.)



Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан.

1. (Эй Муҳаммад, у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин,) Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми? 2. У Зот уларнинг (Каъбатуллоҳни вайрон қилиш учун қўлаган барча) ҳийла-найрангларини барбод қилмадими? 3-4. У Зот уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўп-тўп қушларни юбориб; 5. Уларни (қурт-қумурсқалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборди!



Ваҳба Мустафо ЗУҲАЙЛИЙ

ФИЛ СУРАСИ

«Мунир» тафсиридан

Бу сура бошланишида "фил эгалари"нинг қиссаси зикр этилгани учун "Фил" деб номланди:

"(Эй Муҳаммад, у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин,) Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми?" Яъни, Байтул Ҳаромни бузишни хоҳлаган ҳабашистонлик Абраҳа ва унинг сафдошларини Қодир, Улуғ Парвардигорингиз нима қилганини очиқ билмадингизми?

Сура ўз ичига олган нарсалар

Маккада нозил бўлган бу сурада "фил эгалари"нинг қиссаси баён этилган. Улар куч-қувватлари, мол-дунёлари ва кўп сонли аскарларининг қудратига суяниб, Каъбани бузишни хоҳлаб қолдилар. Аллоҳ таоло уларнинг лашкарини кичик-кичик қушлар оёқлари ва тумшуқларида олиб келиб, ташлаган тошчалар билан ҳалок этди. Уларни қурт-қумурсқалар чайнаб ташлаган сомон каби илма-тешик қилиб юборди. Чорвалар экинларни еб бўлганидан сўнг қолдирган қолдиқларни шамол ҳар томонга учириб юборгани каби, тўзғитиб ташлади.

Фил эгалари қиссасидан

Яманда бир пайтлар Абраҳа ибн Сабоҳ ал-Ашрам исмли подшоҳ ҳукм сурган эди. У Расулulloҳга (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) имон келтирган нажоший Адҳама ибн Амрнинг бобосидир. Ўша Абраҳа ҳашаматли черков қурдириб, уни "Куллис" деб номлади. Арабларни ҳаж-

дан тўсиб, ўзи қурдирган каниса зиёратига бурмоқчи бўлди. Канона қабиласидан бир киши тунда ўрнидан туриб, ўша канисага ёзилиб, ифлос қилди. Абраҳа газабланиб, шу ҳодиса баҳона, Каъбани бузаман, деб қасам ичди. Лекин мақсади Маккани босиб олиб, Яман билан Шом шаҳарлари ўртасини боғлаб, насроний олами-ни кенгайтириш эди.

У жуда катта қўшин тўплади, одамларни қўрқитиб, ваҳима солиш учун кўплаб филларни ҳам эргаштирди. Баъзилар ўн иккита фил бўлган дейишса, бошқалар мингта ва бундан ҳам кўп бўлган дейишади. Лашкарлар Макка яқинидаги Муғаммас деган жойга келишганида шаҳар аҳлига улар билан урушиш эмас, балки Каъбани бузиш мақсадида келганларининг хабарини бериш учун элчи юборишди. Макка аҳли бу ишдан қаттиқ ташвишга тушиб, олдинига улар билан урушмоқчи бўлди. Лекин Абраҳа ва унинг аскарларига кучлари етмаслигини англаб, нима ҳодиса юз беришини кузатиш учун тоғларга чиқиб кетишди. Улар Каъбани ҳимоя қилувчи Эгаси борлигига чин кўнгилдан ишонишар эди.

Қўшин Маккага яқинлашганида Абраҳа арабларнинг мол-мулкани тортиб олишга амр қилди. Расулulloҳнинг боболари Абдулмутталиб ибн Ҳошимнинг икки юзта туяси бор эди. Аскарлар уларни ҳам ҳайдаб кетишди. Абраҳа Ҳанота ал-Ҳимярий исмли кишини Маккага жўнатиб, Қурайшнинг энг шарафли кишини бошлаб ке-

лишни ва подшоҳ бу ерга урушиш учун келмагани, агар Каъбани бузишдан тўсишса, унда урушиш хабарини беришни буюрди. Ҳанота ал-Ҳимярий келиб, Абдулмутталиб ибн Ҳошимга рўбарў бўлди ва унга Абраҳа тайинлаган гапларни айтди. Шунда Абдулмутталиб: "Аллоҳ номига қасамки, биз урушишни хоҳламаймиз, бунга кучимиз ҳам етмайди. Бу Аллоҳнинг уйи ва уни Иброҳим (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) қурган. Агар Аллоҳ уни сақлайман деса, Унга ҳеч қийин эмас. Агар сақлашни истамаса, Аллоҳга қасамки, бу лашкарни даф қилишга бизда имкон йўқ", деди. Ҳанота ал-Ҳимярий: "Ундай бўлса, мен билан бирга подшоҳ ҳузурига юр", деди. Абдулмутталиб борганида, Абраҳа унинг улуғ киши эканини билиб, тахтидан тушиб, гиламга ўтирди. Зеро, Абдулмутталиб салобатли ва келишган киши эди. Абраҳа Абдулмутталибдан:

— Нима ҳожатинг бор, — деб сўради.

Абдулмутталиб:

— Ҳожатим шуки, менга тегишли икки юзта туяни подшоҳ ўзимга қайтарса, — деди. Буни эшитган Абраҳа таажжубланиб:

— Сен ота-боболаринг динида улуғланган Байтни қўйиб, икки юзта туянгни гапирасанми? Ахир мен шу уйни бузгани келганман-ку?! Сен бўлсанг, у ҳақда гапирмадинг ҳам-а? — деди. Абдулмутталиб:

— Мен туяларнинг эгасиман, бу уйнинг ҳам ўз Эгаси бор, уни сендан Ўзи ҳимоя қилади, — деди. Абраҳа яна сўради:

— Мендан ҳимоя этадими?

Абдулмутталиб:

— Сендан ҳимоя қилади, — деди.

Абдулмутталиб ва у киши билан бирга бўлган араб зодагонлари Абраҳага Каъбани бузмай қайтиб кетиши учун Таҳома қабиласи мол-мулкнинг учдан бирини беришни таклиф қилишди, Абраҳа бундан бош тортди. У Абдулмутталибнинг туяларини қайтариб берди. Сўнг Абдулмутталиб тўғри Каъба эшиги олдида борди. Ҳамроҳлари билан Каъба эшиги ҳалқаларини ушлашиб, Аллоҳга дуо-илтижо қилишди, Абраҳа ва унинг аскарларидан нажот беришини ёлбориб сўрашди.

Қўшин Каъба томон юрди. Абраҳанинг ёнида "Маҳмуд" лақабли жуда улкан бир фил бор эди. Ҳар гал уни Каъба томонга юзлантиришса, чўкиб олар, бир одим юрмас эди. Яман ёки бошқа томонга буришса, югургилаб кетар эди.

Кейинги куни ҳам Абдулмутталиб дуо қилиб, осмонга қаради. Яман, яъни, денгиз томондан тўп-тўп қушлар учиб келаётганини кўрди. "Аллоҳга қасамки, бу қушлар фаройиб экан. Улар



Нажддан ҳам, Таҳомиядан ҳам эмас", деди ҳаяжон ичида. Ҳар бир қушнинг тумшуғи ва оёғида тошчалар бор эди.

Қушлар тошларни ташлашар, у кимга тегса, ҳалок бўлар эди. Аскарлар Яман томонга қоча бошлашди. Йўл-йўлакай тўкилиб боришар эди. Абраҳа ҳам жароҳатланди. Бармоқлари битта-битта узилиб тушар, гўштлари ўйилгандай тўкилар эди. Шу ҳолда уни Санъога олиб келишди. У ўша ерда шармандаларча, ёмон бир аҳволда вафот этди.

Бу тарихий воқеанинг таъсири жуда катта бўлди. Атрофдагилар Қурайшни улуғлаб: "Улар Аллоҳнинг аҳли, Аллоҳ уларни душмандан ҳимоя қилиб, Абраҳани Ўзи қатл этди", дейишди.

Бу тарихий ҳодиса Расулulloҳ (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) туғилган йиллари, яъни, милодий 570 йили юз берди. Фил воқеаси билан Расулulloҳнинг (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) пайғамбар этиб юборилишлари орасида қирқ йил кечди. Бу воқеага жуда кўплаб кишилар гувоҳ бўлишган. У Расулulloҳнинг (пайғамбар этиб) юборилишларидан дарак берар эди.

Тафсири ва баёни

"(Эй Муҳаммад, у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин,) **Парвардигорингиз фил эгаларини қандай (ҳалок) қилганини кўрмадингизми?**" Аллоҳ уларни ер билан яксон қилиб, байтуллоҳни ҳимоя қилди. Қавмингиз Аллоҳга имон келтирса бўлмайдими?"

Бу воқеага кўплаб одамлар шоҳид бўлишди. Ҳабашистонлик насроний қавмлар келиб Яманга ва Ҳижозга эгалик қилишни, Каъбани бузишни хоҳлашган эди. Маккага яқин келиб, кирмоқчи бўлишганида, Аллоҳ таоло тошчалар кўтарган бир гала қушларни юбориб, уларни ҳалок этди.

"**У зот уларнинг (Каъбатуллоҳни вайрон қилиш учун қўллаган барча) ҳийла-найранглари-ни барбод қилмадими?**"

Энди қавмингиз бу ишларни билган бўлса,

Аллоҳнинг азобидан қўрқсин. Ҳолбуки, улар (мушриклар) Аллоҳга, Расулига ва Китобига куфр келтиришяпти, одамларни имон ва Аллоҳнинг ҳақ йўлидан тўсишяпти.

"У зот уларнинг (Абраҳа қўшинининг) устига сополдан бўлган тошларни отадиган тўптўп қушларни юборди".

Яъни, Аллоҳ уларга ҳар турлик қора қушлар галасини юборди. Улар денгиз томондан тўптўп бўлиб келишди. Ҳар бир қушда учтадан тош бор эди. Иккитаси икки оёғида, биттаси тумшуғида. Агар ўша тош бирор жойга тегса, вайрон қилиб парчалаб ташлар эди. Қотган лойдан бўлган тошчалар мошдан каттароқ, нўхатдай келар эди.

"Уларни (қурт-қумурсқалар томонидан) чайнаб ташланган сомон каби (илма-тешик) қилиб юборди".

Яъни, экин ёки дарахт баргини ҳайвонлар еб, кейин ахлат қилиб чиқарганидан сўнг қоладиган нарсалар каби хор этиб ташлади.

Бухорий ривоятида шундай келтирилган: "Ҳудайбия сулҳи куни Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) Қурайш тушадиган тепаликда узоқ туриб қолдилар. Туялари ҳам чўккан эди. Атрофдагилар уни қистовга олишса ҳам, жойидан жилмас эди. Шунда саҳобалар: "Қасва (Расулуллоҳнинг туялари) ўжарлик қилиб туриб олди", дейишди. Шунда Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин): "Унинг бундай одати йўқ эди. Уни ўша Абраҳанинг филларини ушлаган нарса тўхтаб қўйди", деб марҳамат қилдилар.

Бухорий "Саҳиҳ"ида ва Муслимда ривоят қилинган: Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) Макка фатҳ этилган куни: "Албатта, Аллоҳ Маккага (тажовуз қилишдан) филларни тўсиб, Расули ва мўминларга унга эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Кеча унинг ҳурмати қандай бўлса, бугун ҳурмати яна асл ҳолига қайтди. Огоҳ бўлинг, бу ерда бор кишилар (бу ерда) йўқ кишиларга хабар берсин", дедилар.

Сурадан ўрганганларимиз

1. Сура бошидаги хитоб Расулуллоҳга бўлса ҳам, умумийдир. Яъни, "Фил эгалари, нима бўлганига қарамайсизларми? Уларнинг ҳоли нима бўлганини кўрдингиз. Сизларга қилган яхшилигимни билдингиз. Нима учун имон келтирмайсиз?.." дейилмоқда.

2. Бу воқеа Аллоҳнинг қудрати, илми ва ҳикматида ҳамда Расулуллоҳнинг (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) пайғамбарликларига бир далилдир. Қушларнинг учиб келиши ғайриоддий ишлардан ва пайғамбарларнинг мўъжизаларидандир. Аллоҳ

уларнинг ҳийлаларини барбод қилиб, энг заиф аскарлари билан ҳалок қилди. Аслида, у қушларнинг тумшуғида лой, тошча ташиш одати йўқ эди.

3. Бу қисса яна Аллоҳнинг Каъбани улуғлаганига, душманни йўқ қилиб, Қурайшга ато этган неъматига далилдир.

4. Абраҳа қўшини устига тош отувчи қушчалар юборилиши нубувватдан олдин берилган мўъжиза-башоратлардан бири эди. Аммо нувуббат қарор топганидан кейин башоратга ҳожат қолмади. Шунинг учун зolim Ҳажжож Каъбани хароба қилгани учун азобланмади. Чунки унинг мақсади Каъбани хароб қилиш эмас, балки бошқа нарса, яъни, Ибн Зубайрни қатл қилиш бўлган.

5. Фил эгалари ҳалок этилганидан кейин, қабиҳ нарсага ўхшатишмоқда. Бу нарса уларнинг куфрига, ўзлари нақадар ҳақир, Аллоҳ наздида нақадар хор эканларига далолат қилади.

Бу каби ўхшатишлар Қуръоннинг услубида юксак одоб ила келтирилган. Худди Исо (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) ва у зотнинг оналари ҳақида: **"Иккалалари ҳам таом ер эдилар"**, (Моуда, 75) дейилгани каби.

Аллоҳ фил эгаларига азоб берди-ю, лекин Каъбани бут-санамларга тўлдирган Қурайш мушрикларини (бу дунёда) азобламади. Чунки фил эгалари Каъбани хароб этишга қасд қилишган эди.

6. Ибн Масъуддан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилинади: "Қушлар тош отишганида Аллоҳ таоло уларга шамол юборди. У шамол тошни учириб яна ҳам шиддатини кучайтириб юборди. У тош кимга тегса, ҳалок қилар эди. Киндалик бир киши бундай дер эди:

"Агар сен Муғаммас ёнида нимага йўликқанимизни кўрганингда эди... уни кўрмагансан ҳам, Қушларнинг келишини ва булутлар сояси ўтишини кўрганингда Аллоҳдан қўрқан бўлар эдинг. У нарсаларнинг барчаси ҳаққа чақирар, гўёки ҳабашларнинг қарзи бордек ҳайқирар эди..."


Ривоят қилинишича, бу азоб уларнинг барчасига етмади. Лекин Аллоҳ хоҳлаганича азобга дучор бўлишди. Хабарларда келганидек, уларнинг амири Абраҳа ва бир оз тарафдорлари қайтиб келишди. Кўрган нарсалари ҳақида хабар беришгач, барчалари ҳалок бўлишди. Ҳар бир ақлли киши бундан ибратланиши, насиҳат олиши зарур.

Анвар АҲМАД
таржимаси

СИЗ ҲАЖГА ОТЛАНЯПСИЗ...

(Давоми. Бошланиши 5-бетда)

Иҳромга кириш, Каъбани тавоф қилиш, Арафотда туриш ҳаж ибодатининг асосий шартларидир. Бу учаласидан бири бўлмаса, ҳажингиз ҳаж бўлмайди, шунча ҳаракатингиз ҳавога учад.



Пайгамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) айтганлар: "Бир мабрур ҳаж дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхшироқдир. Ва бир мабрур ҳаж борки, унинг мукофоти фақат жаннат бўлади" (Муттафақун алайҳ).

Яна бундай марҳамат қилганлар: «Арафотда турганида: "Аллоҳ таоло мени кечирмадимикан", деб гумон қилган киши инсонлар орасида энг гуноҳи улканидир» (Хатиб ва Дайлабий ривояти).

Макка ва Мадина шаҳарларида бўлганингизда намоз, тавоф, талбия ва дуоларни ниҳоятда кўпайтиринг. Айниқса, Масжидул Ҳаром, Масжидун Набавийда кўпроқ намоз ўқишга, такбир, таҳлил, дуолар қилишга улгуриб қолинг. Чунки бу масжидлардаги намозларнинг савоби бошқалариникидан минглаб, юз минглаб баробар ортиқдир. Айниқса, Байтуллоҳда ибодат ва зикрларга зўр беринг. Расулуллоҳдан шундай ҳадис бор: "Ушбу Байтга ҳар куни бир юз йигирмата раҳмат нозил бўлади: олтмиштаси тавоф қилувчиларга, қирқтаси (ундаги) намозхонларга ва йигирматаси эса (унга савоб умидида) тикилиб турувчиларга" (Байҳақий ва Ибн Ҳиббон Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилишган).

Қаранг, чарчаб намоз ёки тавофга куч топол-

май қолганда Байтуллоҳга савоб умидида тикилиб ўтирганлар ҳам Аллоҳнинг раҳматидан бебаҳра қолишмас экан. Каъбатуллоҳни тавоф қилиш, қора тошни ўпиш (ёки ишора қилиш), Сафо ва Марва орасида етти марта бориб-келиш, Замзам булоғи сувидан қониб-қониб ичиш, Мино ва Муздалифада бўлиш, жамраларда шайтонга тош отиш каби зарур амалларни мукамал адо этишга тиришиш керак. Мадинада бўлинганида Пайғамбар (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) раваларида у зотга саломларни етказиш, масжидларида намоз ва зикруллоҳни кўп қилиш, Исломнинг тарихий жойлари — Кубо ва

Қиблатайн масжидлари, Бақий қабристон, машҳур газотлар бўлиб ўтган жойлар зиёратига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Қаттиқ тайинлайдиган бир гапим бор: ҳаж ибодати чоғи Куръони каримда айтилганидай, ахлоқсизлик (рафас), бузуқлик (фиск), жанжал (жидол)ни тарк этинг. Ахлоқсизлик тилдан чиқадиган ҳар қандай беҳуда, фаҳш сўзлардир; аёллар билан ҳазиллашиш, эркалаш ҳам шунга киради. Бузуқлик — Аллоҳ таолонинг тоатидан чиқилгандаги ҳар қандай нарсанинг умумий номи. Жанжал (жидол) — гина-қудуратга сабаб

бўладиган, чиройли хулққа путур етказадиган хусумат ва тортишувларда ашаддийлашиб кетиш. Суфён Саврий айтади: "Ким ахлоқсизлик қилса, унинг ҳажи бузилади".

Ҳаж жуда фазилатли, улуғ ибодат, унинг моҳияти, мақоми, савобини дарров англаб олиш мушкул. Пайгамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) бундай деганлар: "Ким Байтуллоҳни ҳаж қилса, (унда) ахлоқсиз сўзларни сўзламаса ва фиск-фужур ишлар қилмаса, худди онаси уни туққан кундаги каби (барча) гуноҳларидан (албатта) покланиб чиқади" (Бухорий ва Муслим ривояти).

Шундай экан, ибодатларимизни, амалларимизни шу ҳадис кўрсатмаларига мувофиқлаштириб олайлик. Сафардан қайтгач эса, ҳаж пайтида Аллоҳга берган ваъдаларимизни унутиб, яна ғафлатга, гуноҳ ишларга юрмайлик. Мабрур ҳажнинг аломати ҳаждан кейин одамнинг яхши томонга ўзгариши, эски ёмонликларини тарк этишидир. Аллоҳ таоло барчаларимизнинг ҳажимизни мабрур, ибодатларимизни Ўзига манзур айлсин! Омин...

Ҳорунхон АЮБХОНОВ,

Наманган шаҳар бош имом-хатиби

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Қория танлов ғолиби бўлди!

Сомали пойтахти Могадишо шаҳрида ўтган Куръон мусобақасида илк бор қория қиз ғолиб бўлди. Ўн олти ёшли Омина Абдулмажид олтамиш нафар тенгдошидан пешқадам чиқди. Бу қория қиз мамлакатда ўн тўрт йилдан буён тинчимаётган фуқаролар уруши ногиронидир. Унга "дайди ўқ" тегиб, кўзлари ожиз бўлиб қолган.

Сомали дин ишлари вазири Умар Муҳаммад айтишича, танловнинг бош соврини ҳар йили йигитларга насиб этар эди. Танлов қатнашчилари Куръони каримни тўла ёд олган бўлишлари, ҳайъат талабига кўра, сўралган жойидан қироат қилиб беришлари лозим.

Зафар кучган Омина келажакда таҳсилни давом эттириб, мусулмон олимаси бўлиш ниятида эканини айтди.

BBC

Мусулмон олимлар сафари



Буюк Британиянинг бир гуруҳ Ислом уламолари ёш мусулмонларга Исломнинг тинчлик-севарлик ва инсонпарварлик моҳиятини тушунтириш учун мамлакат бўйлаб бир неча сафарга чиқишади. Бу сафарлар 7 июлдаги кўпуровчилик воқеаларидан сўнг ишлаб чиқилган ва ички ишлар вазири Чарлз Кларк қўллаб-қувватлаган дастурнинг бир қисми ҳисобланади. Вазир уни амалга ошириш учун келгуси ўн саккиз ойда беш милён фунт стерлинг маблағ ажратишга ваъда берди.

Дастур доирасида, шунингдек, Исломни ёмонотлиқ қилувчиларга ва мутаассибликка қарши Миллий форум ўтказиш ҳам режаланган. Унда Куръони каримни шахсий ғаразларига мослаб талқин қилишга уринаётган айрим кучларга кескин зарба берилади.

Лейбористлар партиясидан Лордлар палатасининг аъзоси лорд Аҳмад сафдошлари тузган дастур қатнашчилари Буюк Британияда улғай-

ган ва инглиз тилида эркин гаплаша оладиган имомларнинг янги авлодини тайёрлашга чақиримоқда. Лорд Аҳмаднинг айтишича, масжидлардаги мавъизаларни инглиз тилида олиб бериш керак. Сабаби — йигирма тўрт ёшга етмаган мусулмонларнинг ярми араб тилини билмайди. Бундан ташқари, масжид ҳайъатлари таркибига аёллар ва ёшларнинг вакиллари кўпроқ киритилиши керак. Масжидлар раҳбарлари жамоа ичида пайдо бўладиган ихтилофли вазиятлар ечимини топишга тайёр туришлари талаб этилади.

BBC

Муҳокамада — Дания матбуоти



Шу йилнинг 7 — 8 декабрида Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида ўтадиган Ислом Конференсаси Ташкилоти олий даражадаги анжумани кун тартибига Дания матбуотида исломофобия (Исломни ёмонотлиқ

қилиш) ҳолатларини муҳокама этиш масаласи ҳам киритилган. "Жуландс Постен" газетида Пайғамбаримиз Муҳаммадга (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) нисбат берилган ҳажвий расмнинг чоп этилиши мусулмонлар норозилигига сабаб бўлди. Шу боис Ислом Конференсаси Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари бу масалани эътиборсиз қолдирмади.

Мусулмон мамлакатларининг Даниядаги элчилари илгарироқ ушбу мамлакат бош вазирга йўллаган мактубларида газетдаги расмни Исломни ҳақоратлаш деб ҳисоблаб, таҳририятнинг мусулмонлардан кечирим сўрашини талаб қилишган эди.

France Press

Сайёҳлар учун янгилик

Халқаро Ислом банки биринчи марта сайёҳлар учун мўлжалланган махсус қарз чипталарини чиқарди. Улар эгаларига қатор имтиёзлар бериши билан бирга, шариат талабларига ҳам тўла мос тушади.

Чипта эгалари йилига маблағларининг 1,6 фоизини тежаб қолишлари мумкин. Бундан ташқари, уларга бир қатор чакана савдо дўконларида 50 фоизгача чегирма берилади. Шунингдек, бепул исломий суғурта ҳамда ойлик тўловларни

вақтида тўлаб турган чипта эгаларига бо-
нуслар тўлаш кўзда тутилган.

Шариатга кўра, қўйилган пул маблаг-
лари учун фоиз олиш тақиқланган, аммо
улар фойда олишда қатнашиши мумкин.
Шунингдек, маст қилувчи ичкилик, чўчка
гўшти каби Исломда ҳаром қилинган нар-
саларни ишлаб чиқарувчи ёки қимор ўйин-
лари ўтказиш билан шуғулланувчи корхо-
наларга сармоя ётқизиш ҳам мумкин эмас.

Шуни таъкидлаш лозимки, кейинги
пайтда дам олиш ва саёҳат қилишнинг
ҳалол бозори жадал ривожланмоқда. Шу
муносабат билан сайёҳлар учун исломий
қарз чипталари (кредит карталари) чиқа-
риш зарурати туғилди.

Islam Online Com

Мусулмонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш маркази



Кейинги йил-
ларда Оврупада
и сломофобия
(Исломни ёмо-
нотлик, қўрқинч-
ли қилиб кўрса-
тиш) кучайгани
боис Лондонда
мусулмонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мар-
кази очилди. Муассислар таъкидлашича,
янги марказнинг бош вазифаси Буюк Бри-
тания қонунчилигига асосан мусулмонлар-
нинг манфаатларини ҳимоя қилишдир. Мар-
каз ходимлари орасида ҳуқуқшунослик ама-
лиёти билан мунтазам шуғулланувчи қонун-
шунос олимлар бор. Улар мамлакатдаги сал-
кам икки милён мусулмонга дахлдор муам-
моларни ҳал этишади.

Лондондаги Метрополитен дорилфуну-
нида жойлашган марказда ҳуқуқшунослик
бўйича маслаҳатлар берилади, шунингдек,
у судлов идораларида хусусий шахслар ва
ташкilotлар манфаатларини ҳимоя қила-
ди. Исломий анжуманлар ва бошқа тадбир-
ларни ўтказиш ҳам марказ вазифаларидан
ҳисобланади.

The Muslim News

Токиода япон-мусулмон журналистлари кенгашидилар

Токио шаҳрида илк бор япон жамоат-
чилиги ва мусулмон журналистлар ишти-
рокида халқаро кенгаш бўлди. Тадбирда Жа-
зоир, Миср, Саудия Арабистони, Қатар
ва япониялик журналистлар "Япония ва
араб-мусулмон мамлакатлари аҳолисининг
бир-бирлари ҳақидаги нотўғри тасавурла-
рига барҳам бериш жараёнида оммавий ах-

борот воситаларнинг вазифаси" деган мавзуда фикр
алмашдилар.

Учрашувда таъкидландики, бугунги кунда япон-
лар ва мусулмонлар, шу жумладан, араблар бир-
бирларини етарли даражада яхши билишмайди.
Шунинг учун тез-тез ахборот айирбошлаб туриш,
бунда турли имкониятлардан фойдаланиш даркор.
Мисрнинг Япониядаги элчиси ўз мамлакатига япон
матбуотининг йигирма нафар вакилини таклиф
этди.

Япония ҳукумати бундай учрашувларни ҳар йили
ўтказиш масаласини жиддий кўриб чиқиш ниятида.
Чунки Токио "Япония ва мусулмон олами ўртаси-
даги ахборот алмашувларини кенгайтиришни ўта му-
ҳим иш деб ҳисоблайди.

KUNA

Исломий бозор

Франса сармоядорлари эътирофи-
ча, бу йилги Рамазон фаранг бозо-
рида мусулмон бўллагининг шаклла-
ниши ва муносиб ўрин эгаллашига
туртки бўлди. Бу йил илк марта су-
пермаркет дўконларида Куръони кар-
им ва исломий анъаналар билан боғ-
лиқ кўплаб маҳсулотлар сотилди. Та-
маддихоналар тармоғи ифторлар
ўтказиш учун шаръий таомларни
пешма-пеш етказиб бериб турди.

"Бу бозор энди куртак ёзаяпти, —
дейди мусулмон адабиётининг фаранг
ношири Мансур Мансур, — лекин шу йилдан аён бўлди-
ки, Шарқ бозори фаранг супермаркетига айланди". Жа-
ноб Мансурнинг айтишича, исломий китоблар савдо-
си ҳажми ҳафтасига 120 — 150 нусхага етди. Ваҳолан-
ки, ўтган йили Рамазон ойида ҳафтасига элликтагача
китоб сотилган эди, холос.

"Ислам-Инфо"

Жазоир ҳукуматининг қарори



Жазоир ҳукумати аҳолининг
асосий қисми мусулмон бўлган
мамлакатда протестант миссионер-
лик ҳаракатининг олдини олишга
қаратилган қонун лойиҳасини маъ-
қуллади. "Қонун лойиҳасининг мақ-
сади одамларни қонунчиликдаги
Исломдан бошқа динларга оғдириб
олишга йўл очиб бераётган "туй-
нук"ларни йўқ қилишдир", дейи-
лади Вазирлар маҳкамаси тарқатган ҳужжатда.

Ҳужжатда айтилишича, мамлакат адлия вазир-
лиги киритган тақлифлар мусулмонларга нисбатан
прозелитизм (бир диндагиларни бошқасига кири-
тишга қаратилган хатти-ҳаракатлар)га чек қўяди. Қо-
нун лойиҳасини энди парламент тасдиқлаши керак.

Интерфакс

ҚУРБОНЛИК ИБОДАТИ ВА УНИНГ ҲУКМЛАРИ

— Қурбонлик ҳижратнинг иккинчи йилида вожиб бўлган.

— Қурбонлик зарурий эҳтиёждан ошиқча, қиймати кумуш нисоби миқдорига етадиган мулкка ёки шунча миқдор пулга эга бўлган ҳар бир муқим эркак ва аёл мусулмонга вожибдир.

— Қурбонлик Китоб, Суннат ва ижмоъ билан собитдир.

— Қурбонлик қилиш зақот, фитр садақаси каби молиявий ибодат.

— Қурбонлик сўйиш вақти зулҳижжа ойининг ўнинчи куни ҳайит намози ўқилганидан бошлаб то ўн иккинчи кунининг шомигачадир.

— Қурбонлик қилиш мусофирга вожиб эмас.

— Нисоб миқдоридаги мулкка эга киши қурбонлик учун қўй сотиб олганидан кейин сафарга чиқса, ундан қурбонлик соқит бўлади, олган қўйини сотиб юбориши жоиз.

— Қурбонлик сўйиш вақтининг охиридаги бойлик ҳолати қурбонликнинг вожиб бўлиши учун ҳисобга олинади. Яъни, камбағал киши қурбонлик сўйиш вақтининг охирига келиб кумуш нисоби миқдорича бойликка эга бўлса, унга қурбонлик вожиб бўлади. Агар бой киши шу вақтда камбағал бўлиб қолса, унга қурбонлик сўйиш вожиб бўлмайди.

— Бой киши қурбонликка назр қилиб сотиб олган қўйни қурбонлик кунлари тириклай садақа қилса, қурбонлик вақти ўтмаган бўлса, унга тенг қўйни қурбонлик учун сўйиши лозим бўлади. Агар қурбонлик вақти ўтган бўлса, қийматини садақа қилиши керак.

— Камбағал киши қурбонлик ниятида қўй сотиб олса-ю, олган қўйини сотиб юборса ё қўй ўлиб қолса, бошқа қўй сотиб олиб, қурбонлик қилиши лозим бўлмайди. Чунки ният қилиш билан камбағалга қурбонлик сўйиш вожиб бўлмайди.

— Қурбонликка айнан атаб сотиб олинган молни (қўйни) сотиш мумкин эмас. Агар сотиб, арзонроқ бошқасини олса, қолган пулни садақа қилиши лозим.

— Қурбонлик учун беш ёшга тўлган туя, икки ёшга тўлган қорамол, олти ойга тўлган қўй, бир ёшли эчки ярайди.


— Қурбонлик ниятида товуқ, ғоз, курка кабиларни сўйиш макруҳдир.

— Икки ёки бир кўзи кўр, ўта даражада ориқ, сўйиладиган жойигача юриб боролмайдиган даражада чўлоқ, туғилишидан қулоғи ёки таносил аъзоси бўлмаган, шохи ва думининг учдан бир қисмидан кўпроғи кесиб ташланган қўй, эчки, мол ва туяни қурбонлик учун сўйиб бўлмайди.

— Туя ва қорамолларни етти ёки ундан кам киши бирлашиб қурбонликка сўйишлари жоиз. Агар улардан бирининг нияти гўшт олиш бўлса, қолганларнинг қурбонлик нияти ҳам ўринга ўтмайди. Зеро, қурбонликнинг рукни гўшт олиш эмас, мол сўйишдир. Етти киши бир бўлиб сўйган қурбонлик гўштини килолаб тортиб, тенг тақсимлаб олишлари лозим бўлади.

— Қурбонлик қилувчи сўйишни билса, ўзи сўяди. Билмаса, бировга буюриб, ўзи унинг олдида туради.

— Қурбонлик сўйиши вожиб бўлган киши қур-



бонликни вақтида сўймаса, кейин унинг қийматини садақа қилиши вожибдир.

— Сўйилган қурбонликнинг учдан бирини садақа қилиш, учдан бирини едириш, учдан бирини кейин ейишга олиб қўйиш мустаҳаб. Серфарзанд бўлса, ҳаммасини ўз фарзандлари учун қолдириши мустаҳабдир. Муслмон бўлмаган қўшниларига ҳам қурбонлик гўштидан берса бўлади.

— Ҳайвонни сўймасдан, тирик ҳолида бир камбағалга бериш қурбонлик ҳисобланмайди, садақа бўлади.

— Қурбонлик сўйиши вожиб бўлмаган киши қурбонлик қилиши мумкин. Аммо қурбонликка сўйиладиган ҳайвонни вожиб қурбонлик ниятида эмас, суннат қурбонлик ниятида сотиб олиш керак бўлади. Агар уни вожиб қурбонлик ниятида сотиб олса, назр қилинган мол каби гўштидан ўзи ва бойлар ейиши мумкин эмас. Уни камбағалларга садақа қилиши лозим.

— Қурбонлик ҳайвони сўйиладиган жойга озор бермасдан олиб келинади. Туядан бошқа ҳайвонлар қиблага қаратиб, чап ёнига оҳиста ётқизилади. Қурбонлик қилаётган киши агар ўзи сўйса, Аллоҳ учун қурбонлик қилаётганини ният қилиб: "Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар" дейдию катта ва ўткир пичоқ билан дарҳол жонлиқни сўяди.

— Агар қассобга сўйдирса, қассоб сўйишни буюрган кишининг қурбонлиги эканини ният қилади. Агар қассоб билан бирга пичоқни ушласа, у ҳам жонлиқ гўшти ҳалол бўлиши учун "Бисмиллаҳи. Аллоҳу акбар" дейиши лозим бўлади.

— Қурбонлик терисини сотиш, қассобга меҳнати эвазига бериш мумкин эмас, у фақир кишига садақа қилинади ёки рўзғорда ишлатиш учун меш, палос (пўстак) тайёрланади. Ёхуд узоқ муддатга ишлатиш учун мўлжалланган қозон, товоқ каби буюмларга алмаштирилади.

— Қурбонлик терисини масжидга топширишда унинг имоми ёки бирор ходимига бериш мақсад қилинса, дуруст бўлади. Акс ҳолда, садақа бўлмайди. Чунки садақа истеъмолчига берилади, масжид эса истеъмолчи ҳисобланмайди.

"Радул Мухтор", "Дуррул Мухтор", "Фатовои Қозихон", "Хулоса", "Мухтасарул виқоя" китоблари асосида тайёрланди.

Биздан салом етказинг

Болаликда бизга икки ҳайит улашадиган қувончларни эслаб ҳамон қалбим энтикади. Катталардан ҳайитлик олиб шодон чопқиллаганларимиз, намоздан сўнг отам, акаларим бизга ҳар хил ширинликлар, совғалар олиб қайтишлари, қариндош-уруғ, қўни-қўшниларининг байрам дастурхонига тўпланишлари, бир-бирларини қутлашлари, қурбонликлар... кўз ўнгимдан бир-бир ўтаверади. Бошларига оппоқ, узун ўданалар қўндириб юрадиган амма-холаларимни гўё менга ногоҳ кўриниб қолган фаришталардек хотирлайман.

Боболаримиз, момоларимиз Макка, Мадина шаҳарлари ҳақида сурур билан сўзлаб ўтиришса, амакимнинг қизи Мадинага рашким келиб, менга ҳам шундай исм қўйишмаганидан ўқиб қолардим... Ўшанда биз болаларга совға-салом улашган катта ота, катта оналаримиз қалбида ушалмас орзу-армон бўлиб қолган муборак ҳаж ибодатига интилишларни, соғинчу дардларини энди-энди англагандек бўламан...

Турк шоири Айфер Ишиқнинг ана шундай соғинч ва армонлар қуйланган шеърини таржима қилган эдим. Уни муборак сафарга отланаётган юртдошларимизга ҳам илдиндим.

Юрган-кечган йўлларга
Биздан салом етказинг.
Ҳақ ишқи бор дилларга
Биздан салом етказинг.

Водийлар, саҳроларга,
Кутлуг қадамжоларга,
Муслмон хурмоларга
Биздан салом етказинг.

Маккаю нур — Мадина,
Икки буюк хазина,
Кечаю кундузгина
Биздан салом етказинг.

"Лаббайка..." деб кўзлар нам,
Ўчсин гуноҳ, кетсин ғам,
Қалбда кўз очсин Замзам...
Биздан салом етказинг.

Тоши, куми, боғига,
Дов-дарахт, булоғига,
Ҳиро, Савр тоғига
Биздан салом етказинг.

Қайтмас куфр — гуноҳга
Кимда ихлос Аллоҳга.
Ҳазрат Расулуллоҳга
Биздан салом етказинг...

УМИДА,
Самарқанд



Умримизнинг ҳар лаҳзаси синов, яхши кунларда шуқр қилиб, мусибат етганида сабр этиб, иншаалоҳ, икки дунё саодатига мушарраф бўламиз. Аллоҳ омонатга берган ушбу умр нимага инъом этилганини билмаслик, қадрига етмаслик катта жаҳолат. Оқибатда айрим кишилар (бундайлар ёшлар орасида кўпроқ) жудаям мудҳиш жиноятга қўл уради.

Ўзим биладиган бир оилада таъзия бўлиб қолди. Ёшгина келинчак... Албатта, ўлим ҳақ, у қачон келишини ҳеч қайсимиз билмаймиз. Ноқулай бўлса-да, мархума бирон-бир фалокатга йўлиқибдими, деб суриштирдим. Ўз жонига қасд қилганини ачиниш билан айтишди.

Шунда унинг ота-онаси, мактаб даври ҳаёлимдан ўтди. У бадавлатгина оилада катта бўлган, эрка ўсган эди. Талтайтириб юборилганидан талаб қилган нарсаси дарров олиб бериларди. Келин бўлиб тушган хонадонда доим ҳам орзу-ҳаваслари амалга ошавермаганидан аразлаб, ота уйига кетиб қолгани, оиласида нотинчликлар бўлгани эсимда. Ўшанда қўлимиздан келганича насиҳатлар қилганмиз. Аммо сабоқ чиқариб олмаган экан. Эрига, уни олиб берасан-буни қиласан, деб озор беришлар давом этаверибди. Эри аҳволни тушунтирган, инсофга чақирган. У эса "Менинг айтганим бўлмайдими?" деб охири заҳар ичибди...

Жонига қасд қилиш оғир жиноят. Аллоҳ наздида гуноҳи кабира. Икки дунё азобини ўзига сотиб олади.

Расулulloҳ (у зотга Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин) башорат берадилар: "Ким тоғдан ўзини ташлаб жонига қасд қилса, у жаҳаннам оловида абадулабад ўзини пастга ташлайди. Ким заҳар ичиб жонига қасд қилса, у қўлида заҳар

рини тутиб, жаҳаннам оловида ўзини заҳарлайди. Ким ўзини темир билан ўлдирса, у қўлида темирни тутиб, жаҳаннам оловида абадулабад у билан ўзини уради" (Бухорий, *Муслим ва бошқалар ривояти*).

Бу ҳадисдан бир лаҳза шайтоннинг қутқусига алданиш билан одам абадулабад ўзини даҳшатли азобга гирифтор этиши кўриняпти. Ўзининг гулдай умри завол бўлади, ҳам яқинлари қалбида тузалмас жароҳат қолдиради. Бунинг устига, эл ўртасида ҳар хил гап-сўз, маломатлар... Булар ҳаммаси Аллоҳни танимаслик, ҳаётнинг оғир-енгилига сабрсизлик, бир сўз билан айтганда, бебаҳо умрнинг масъулиятини ҳис қилмаслик мусибатидир. Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Ҳолбуки, сабр қилинса, ақл билан иш юритилса, ҳар қандай муаммонинг ҳам ечими топилиши мумкин. Мусибат ва қийинчиликка сабр қилган киши яхши кунларга ҳам етади. Зеро, Аллоҳ сабр қилганларни яхши кўради. Сабр қилганлар билан бирга бўлади.

Кунлардан бир куни масжидимизга бир опа йиғлаб келди. Унинг ароқхўр эри кунора ичиб келиб тўпалон кўтарар, хотини ва болаларини аёвсиз калтаклар экан. Опа, жонимдан тўйиб кетдим, нима қилишимни билмайман, маслаҳат беринглар, деди умид билан.

Мен унга имкон қадар динимиз кўрсатмаларини тушунтирдим, улкан гуноҳдан — жонига қасд қилишдан узоқ бўлишини илтимос қилдим. Оилавий ҳаётда сабр, матонат, бардош тиладим. Буларнинг ажр-савоби борлигини, намозни тўқис адо этгач, ҳар сафар Аллоҳдан эрига ҳидоят сўрашини тайинладим.

Очиғи, ўшандан кейин ҳам бу муслима аёл-

нинг бошида анча савдолар ўтди. Чамаси икки йиллар яна ароқхўр эрининг зулмига матонат билан чидади, бир сафар ҳатто маст бўлиб келган эр намоз ўқиб ўтирган хотинининг ҳолидан ғазабланиб, унга пичоқ билан ташланибди ва қўлини жароҳатлабди. Шунда ҳам сабр қилган, оиласи, болаларини ташлаб кетмаган.

Ниҳоят, синовлар чиройли натижа берди — дуолари Аллоҳга етди. Яқинда эри инсофга келиб, ҳатто намоз ўқий бошлабди.

— Ичишни бутунлай ташладим, тавба қилдим, ибодатларни кам-кўстсиз адо этмоқчиман, — деди у.

Илоҳим, шундай бўлсин.

Ҳа, азиз биродарлар, Аллоҳ йўлида матонат билан яшаш, унинг синовларига сабр қилиш бошқаларга ҳам ибрат, намуна бўлар экан. Шунинг учун ҳам ҳали оқу қоранинг фарқига бормай, ора йўлда қийналиб юрганларга Ҳақнинг амрини, ҳаёт талабларини вақтида тушунтириб борайлик. Илоҳим, ана шу биродарлик ҳаққини адо этиш туйғуси қалбимизни ҳеч қачон тарк қилмасин.

Завқиддин ОРИФ,

Қизилтепа туман

"Боязид Бистомий" жомеъ масжиди имом-хатиби



ДАДАМ, ДАДАЖОНИМ...

Бундан беш ой олдин дадам қазо қилдилар-у, улуғ бир неъматнинг вақтида қадрига етмаганим билинди. Тиригида одамнинг қадри, ўрни кўп ҳам билинавермас экан.

Биз оилада икки ўғил, беш қизмиз. Дадам бизни ҳалол луқма, тўғрисўзлик билан вояга етказдилар. Оддий деҳқон бўлсалар-да, улуғларимизнинг ҳикматларига амал қиладиган, имони мустаҳкам, қалби пок инсон эдилар. Беш маҳал намозни канда қилмай адо этиш пайида бўлардилар.

Ҳаммамизни ҳам шунга даъват қилар, тирикчиликнинг ҳар қандай ишини бир дам четга қўйиб, намозни ўз вақтида ўқиш кераклигини уқтирар эдилар. Айниқса, жума кунлари ҳаммани — акаларимдан тортиб, невараларигача масжидга жамоат намозига олиб борар, намоздан қайтгандан кейин эса, у ёқда эшитган ҳар бир ибратли ривоят ва ҳикматли сўзларни эринмасдан уйдагиларга ҳам сўзлаб берардилар.

Дадам қайси бир тўйга борсалар, дастурхонга мўмин кўзи билан қарардилар. Ортиқча исрофгарчиликни кўрсалар, хафа бўлар, мабодо маст қилувчи ичимликлар қўйилганидан хабар топсалар, тезда бу ҳолга бир мусулмондек муносабат билдира эдилар. Шунақа парҳезкор, ўткинчи дунё ишларидан охиратни устун кўрадиган, каттаю кичикка баробар муомала қилади-

ган, киши дилига озор бермайдиган фариштали инсон эдилар.

Авваллари биз ака-сингиллар, ўзим ҳам бунинг асл сабабини англамасдан, дадамни қолоқ фикрли, эски замонда

қолиб кетган, маданиятни тушунмайдиган одам деб ўйлардик. Аслида бизнинг ўзимиз калтафаҳм, ақлсиз эканмиз.

Ҳазрати Алидан (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) ривоят қилинади: "Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин): "Кимки отанасининг ҳаққини адо этмаса, мен бундай одамлардан узоқда бўламан" (яъни, менинг шафоатимдан баҳраманд бўлмайдилар). "Уларга (яхшилик қилиши учун) унинг моддий ҳеч нарса бўлмаса-чи, ё Расулуллоҳ", деб сўрадим. "Агар уларнинг сўзларини эшитса: қулоғим сизда, хизматингиздаман, десин ва ҳеч қачон уларнинг сўзларига "уф" демасин, уларни жеркимасин. Уларга фақат гўзал сўзлар айтсин", дедилар.

Ниҳоят, мен гуноҳкор бандани ҳам Аллоҳ имон неъматини билан сийлади, ҳидоятни топгачгина ҳақиқий хотиржамлик дилимга инди. Бировдан уялиб эмас, Аллоҳнинг ўзидангина кўрқиб ибодатларни адо этишга ҳаракат қила бошладим. Тушундимки, бир пайтлар исло-

мий ҳаётдан узоқ юриб отамни қанчалик қийнаган эканмиз. Дадажоним эса бизни яхши инсон бўлишимизни орзу қилиб, қанчалик саъй-ҳаракат этган, ноқис ҳаётимизга чиройли сабр қилган эканлар.

Мен бу аламли, армонли сўзларимни дадам, дадажонимни қандай одам бўлганликларини билдириб қўйиш учун ёзмадим, балки биз каби фарзандлар бўлса, вақтида ота-оналари насиҳатларини қулоқларига олиб, ўзларини ўнглисинлар, кексалар дуосини олиб, уларни қувонтирсинлар, ўзлари ҳам икки дунё саодатига мушарраф бўлсинлар, демоқчиман.

Озодахон ОМОНУЛЛОҲ қизи,
Чуст

Ҳурматли "Ҳидоят" журнали ходимлари! Мен турли хорижий ўлкалардаги мусулмонлар ҳаёти, давлатларнинг тарихи, иқтисоди ва маданиятига оид мақолаларингизни катта қизиқиш билан ўқийман. Илтимос, журналнингизда Мароқаш давлати ҳақида ҳам ёзсангизлар. Шунингдек, жануби-шарқий Осиё ва Жанубий Амриқо қитъаси мусулмонлари ҳаётидан ҳам мақолалар чоп этишингизни сўрайман.

Абдин ТЎЛАЕВ,
Пскент тумани



МАРОҚАШ ҚИРОЛЛИГИ

Мароқаш ҳақидаги илк ёзма гувоҳликлар милoddан аввалги 1000 йилликларга бориб тақалади. Ушанда финикийлар ҳозирги Лубнон ерларидан келиб, Рошадир мавзеида ўзларининг колонияларини ташкил этишди. Рим империясининг вилояти бўлиб турганида шимолий-ғарбий Африқо "Мавритания" деб аталди. Унинг таркибига ҳозирги Мароқашнинг шимолий ҳудудлари ва Жазоирнинг ғарбий қисми кирган эди. Кейинчалик Мавритания иккига бўлиб юборилди, янги Рим вилояти "Тингис Мавританияси" (шу кундаги Танжер) номини олди ва ҳозирги Мароқаш минтақасининг шимолидаги улкан ҳудудларни эгаллади.

Милoddнинг 682 йили Мароқашга араб фотиҳлари келишди. Аммо барбарлар билан араблар ўртасида жанглар бошланиб кетди. Мароқаш давлатининг қудрати ва шўхрати Саъдлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ниҳоятда юксалди. Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳдан саловат ва саломлар ёғилсин) набиралари Ҳасан ибн Алига (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) бориб тақаладиган бу сулола юз йил ҳукмронлик қилди. Айниқса, Муҳаммад ал-Маҳди ал-Қоим

Майдони: 458730 кв.км.
Аҳолиси: 29 милён 200 минг киши.
Пойтахти: Рабат.
Маъмурий тузилиши: 37 та вилоятдан иборат.
Тузumi: Конституциявий подшоҳлик.
Давлат бошлиғи: қирол.
Пул бирлиги: дирҳам.



Биамриллоҳ даврида Мароқашда Исломи дини анча мустаҳкамланди, мадраса-мактаблар, масжидлар барпо этилди, салибчиларга қарши бир неча марта жанглар бўлди. 1659 йилга келиб салтанат филолийлар (алойилар) сулоласига ўтди. Уларнинг йўлбошчиларидан Мавлавий ар-Рашид ва Мавлавий Исмоил даврида бутун мамлакатда шарифлар ҳукмронлиги ўрнатилди, ҳаракатда-

ги улкан армия тузилди. Унинг таркибида "Ал-Бухорий қуллари" деб ном олган занжи қуллар ҳам бор эди. Уларнинг бундай деб аталишига сабаб — ёшлигидан жангга тайёрланган бу қуллар Имом Бухорийнинг ҳадислар тўпламини ушлаб қасам ичишарди.

Кейинчалик Мароқаш иккита ҳалокатли урушни бошдан кечирди: 1844 йили Франция билан, 1859-60 йиллари эса Испания билан тўқнашишига тўғри келди. 1912 йили мамлакат устидан Франция вассаллигининг ўрнатилиши Мароқашни Оврупа давлатлари томонидан бўлиб олинишдан ва бошбошдоқликлардан асраб қолди. Ниҳоят, 1956 йилга келиб Мароқаш Ғарб вассаллигидан халос бўлди ва

филолийлар сулоласидан подшоҳлар бошқарадиган мустақил давлатга айланди.

Ҳозирги пайтда асосан қишлоқ хўжалиги ва тоғ-кон саноатига асосланган мамлакат иқтисодиёти жадал ривожланмоқда. Бу ерда қўрғошин, фосфорит, мис, нефт, кўмир, рух, марганес, темир рудаси қазиб олинади. Нефтни қайта ишлаш, кимё, металлсозлик, тўқимачилик, кўн-пойабзал,

озик-овқат саноатлари анча ривожланган. Денгиз маҳсулотлари, ситрус мевалар ва тамаки сотишдан ҳамда сайёҳликдан яхшигина даромад олади. Асосан Франция, Испания, Италия, Буюк Британия, Эрон, АҚШ ва Япония билан савдо-сотик қилади.

Ислом Мароқаш Қироллигининг давлат дини ҳисобланади. Мамлакат аҳолисининг тўқсон тўққиз фоизи мусулмонлардир, уларнинг ҳаммаси аҳли сунна вал жамоанинг моликий мазҳабига эътиқод қилади. Мусулмонлар орасида тасавуфнинг турли тариқатларига эргашидиганлар ҳам бор. Касабланка худудида яшовчи йигирма беш мингли барбар "ибодийлар мазҳаби" тарафдоридир.

Ислом дини мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутлади. Мамлакатда Ислом шариати кўрсатмаларига қатъийан амал қилинади. Рамазон ойида Мароқашда бўлган Русия Ахборот агентлиги мухбири бундай ёзди: "Рамазон ойи кириб келганини давлат бошлиғи ва барча мусулмонларнинг диний раҳнамоси бўлган қирол эълон қилади ва пойтахт Работдаги подшоҳ саройи олдида тўплардан ўқ узиб ҳаммага билдирилади. Рамазон ойида барча мусулмонлар рўза тутадилар (узрлилар мустасно).



Рамазонда ҳурматсизлик қилганлар қаттиқ жазоланади. Мамлакат қонунларига кўра, жамоат жойларида сув ичиб, таом еган ёки сигарет чекканлар бир ойдан олти ойгача муддатга қамалиши мумкин".

Мамлакатда икки мингдан зиёд Ислом олий ва ўрта ўқув юртлари ишлаб турибди. Уларда Ислом асослари ва тарихи, Қуръон ва ҳадис, фикҳ ва дин усули каби илмлар араб тилида ўқитилади. Бундан ташқари, Мароқаш ўзининг масжидлари билан ҳам машҳур. Пойтахт "Ал-Мағриб" жомеъ масжиди араб Ислом меъморлигининг шоҳ асари ҳисобланади. Аббосий халифалар қурдирган Қутубия жомеъ масжиди, XII асрда тикланган минора, Работдаги Ҳасан минораси ҳам мусулмонларнинг фаҳри саналади.

Мароқаш радио ва телевидениеси, матбуоти диний кўрсатув ва эшиттиришларга анчагина вақт ажратади. Ҳар куни радио-телевидение орқали мамлакатнинг машҳур олимлари, таниқли имомлар, қозилар амри маъруф-наҳий мункар билан чиқишади, тез-тез машҳур қорилар Қуръони каримни тиловат

қилишади. Айниқса, Рамазон ойида исломий суҳбатлар матбуот саҳифаларини ва эфирни тўла эгаллайди. Бир ой мобайнида "Қуръон эстафетаси" кўрсатуви ва эшиттириши ташкил этилиб, ҳар куни бир порадан Қуръон тиловати берилди. Газет-журналларда "Рамазонийёт", "Рўза ҳақида" каби махсус саҳифалар очилиб, унда масжид имоми, парҳез дўхтири, жамиятшунос ва машҳур артистларга минбар берилди.

Африқонинг шимолидаги унча катта бўлмаган Мароқаш Қироллиги Ислом мамлакатлари орасида алоҳида салоҳият ва мавқега эга. У БМТ, Халқаро валюта фонди, "Африқо Бирлиги ташкилоти", "Араб давлатлари лигаси" ва "Ислом конференсаси" ташкилотларининг аъзосидир. Узоқ тарихга эга бўлган бу мамлакат келажакка ишонч билан яшайпти.

Аҳмад МУҲАММАД

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Страны мира». Справочник, Москва, 2005, с. 365-368.
2. Босворт К. Э. «Мусульманские династии». Москва, 1971, с. 67-70.
3. Букарев Б. «Марокканские зарисовки». "Исламский вестник", №6, 1992, с. 25-26.
4. "Ислом" маълумотномаси. Тошкент, 1989 йил, 325-326-бетлар.



Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН

"МАРМАР"У "АШТАРХОН" ҚАНИ? "ОЛМАКИ"Ю "ЎЗБЕКИСТОН" ҚАНИ?

Мевалардан шохлари сингудек бўлиб эгилган дарахтлари, дўмпайиб-пўмпайиб қовун-тарвузлар думалаб ётган полизлари, пештахталари ларзон-ларзон, очиқ майдонлари ҳам тўла-тўла бозорлари, қисқаси, тўкин-сочин дастурхони билан бу йилги куз ҳам ўтди. Деҳқон озгина тин оладиган (агар у тин олса), заҳмат чекиб топган пулини санайдиган, уйига-оиласига, мол-ҳолига қарайдиган, тўй-маърака қиладиган палла кирди. Ҳосилнинг ёзги-кузгилари сотиб бўлинди ёки охиргилари сотиляпти. Қиши билан майдалаб сотиш ниятида омборларга ғамланган қишқилари бозорга чиқа бошлади. Худди шу оралиқ паллада... майли, деҳқон пулини санаб турсин... деҳқончиликка оид баъзи мулоҳазаларимни бир истеъмолчи сифатида ўртоқлашим келди.

"Луббой нарез!"

Бундан ўн йилларча илгари бозорларимизда тарвузнинг бир янги тури пайдо бўлди. Чопониям, мағзининг рангию мазасиям ўзимизникиларга ўхшамасди. Амриқонинг тарвузи экан, дея бошлашди одамлар. Ҳаммани ҳайратга солгани — бу ажнабий тарвуз ҳали ёз росмана кирмай туриб, ўнта-ўнта, йигирмата-йигирмата бўлиб пештахтада кўриниб қоларди. Олдинлари мабодо харидор: "Тарвузингиз пишганми?" деб сўраб қолса, деҳқон ёки сотувчи: "Худо билади, ака, ичига кириб чиқмаганман", деб ўзини эҳтиётлаб кўярди. Энди эса, бу ажнабий тарвуз тури чиққач, сотувчи қўлидаги пичоқни ўйнатиб: "Кепқолинг тарвузнинг додаўжасига! Луб-бой нарез! Қизил чиқмаса, пул тўламанг!" деб катта кетадиган бўпқолди.

Чиндан ҳам, кесган тарвузи қизил чиқар эди.

Сабабини бир-икки йилдан кейин билгандай бўлдим. Бир деҳқон танишим сирини очди: "Амриқо айёр-да, хамаклигиданоқ ранг кирадиган турини яратибди, — деб изоҳ берди. Кейин бир оз ўйлаиб туриб: — Лекин барибир мазаси жуда унақа эмас. Сайилга бораман десангиз, чилланинг ўрталарида боринг, ўшанда росмана маза кирари", деб қўшиб қўйди.

Мазаси жуда унақа бўлмаса ҳам, янгилик деб одамлар ола бошлади, ишқибозлари кўпайди ва аста-секин бу истарасиз кўкчипор тарвуз бозорларимизни тўла эгаллаб олди. Шахсан ўзимга келсак, бу тарвуз пайдо бўлган кунидан менга ёқмаган. Рангиям, мазасиям. Илк кўрганимда ранги қанақадир сунъий қизил туюлган бўлса, мазаси ҳам ўзимизнинг мармар, аштархон, қумсангир, олачопон, қорачопон... тарвузларимизнинг табиий мазаси ўрнини босолмади, назаримда. Лекин, тан оламан, бу тарвуз кўпчиликка ёқди, ҳамма ҳар жойда шуни ея бошлади ва тез орада ўзимизнинг жайдари тур тарвузларни эрдан чиқариб қўйди. Рангиниям, мазасиниям...

Пойтахнинг Чорсу бозорига бир деҳқон ёз охирларида мармар тарвуз олиб кирди. Менга ўхшаб кўкчипорни емай, ўзимизникини кутиб юрганлар бор экан, кўзларимиз қувонди. "Нимага бунга экмай қўйдиларинг, кута-кута бу йил ҳали тарвуз емадик?" деган сўроғимизга деҳқон: "Олсаларинг, экаверамиз, одамлар олмаяпти-да. Сўйдириб кўради-да, унча пишмабди, деб кетворади", деб жавоб қилди. Чиндан, "мармар" бир оз оқиш қизил бўлади ва унинг пишгани шу. Амриқо тарвузи эса, қуюқ қондай қип-қизил

бўлгани билан бу қизиллиги сунъийдир. Дар-ров унутибмиз-а...

Ҳандалакни кутиб

Илгари ота-боболаримиз: "Қовун-тарвузнинг уруғи ерга тушди — куз келди", дейишар эди. Бундан ҳақиқий жайдари тур қовун-тарвузларимиз кузак яқинлашганида пиша бошлагани ва ейилгани билинади. Ҳолбуки, эндиликда ҳали баҳор охирламаёқ, масалан, ҳандалакнинг чиқишини кутиб-соғиниб турган бир пайтимизда, лоп этиб бу айёр тарвуз пештахталарга чиқиб кетяпти! Яъни, одамлар оғзи ҳали ҳандалакка тегмай туриб, тарвуз еб қўйяпти.

Тўғри, илм-фан тўхтаб турмади, бошқа соҳаларда бўлгани каби, деҳқончилик илми ҳам роса ўсди. Олимлар экинларнинг тезпишар, серҳосил, касалликка чидамли турларини топиш учун тинмай изланишяпти. Деҳқонлар ҳам қараб тургани йўқ. Иложи борича тезроқ бозорни эгаллаш, рақобатда ютиш ва кўпроқ пул топиш истаги уларни ҳам тинч қўймайяпти. Натижада йилдан-йил уруғлар сараланиб, айниқса полиз экинларининг пишиш муддати қисқариб боряпти. Бу ҳолни тан оламиз ва, агар табиийлигини бузмасдан янги турлар яратилаётган бўлса, фақат қўллаб-қувватлаймиз.

Аммо ҳамма гап ўша табиийликнинг бузилаётгани, ҳатто, Олмониянинг "Focus" журнали далолатига кўра, инсон саломатлигига ниҳоятда хатарли бўлган усуллар билан "янги навлар" яратилаётганидир: «Ирсий чатиштиришлар турларарогина эмас, балки оилалараро, синфлараро, ҳатто ҳукмрон турлараро (м., ўсимлик билан ҳайвон организмлари, курт-қумурсқа билан ўсимлик, ҳайвонлар билан ҳашаротлар, балиқлар билан ўсимликлар... ирс (ген)лари ўзаро аралаштирилиб) амалга ошириляпти. Яъни, табиатнинг асосий қонунлари бузиляпти. Олдинлари ейиш мумкин бўлмаган организм (м., ваҳший ҳайвонлар, заҳарли ўсимликлар, ҳашаротлар, бактерия ва микроблар в.ҳ.) ирсларидан ирс ташувчи сифатида қўлланиляпти. Ваҳоланки, бу каби изланишлар узоқ муддатли тест текширувларидан ўтказилмади. Бу маҳсулотлар истеъмол учун қай даражада фойдали ёки зарарли эканини ҳеч ким билмайди... Канадалик молекуляр микробиология бўйича профес-

сор Жон Фаган бундай дейди: "Бугун чатиштирилган ирс (ген)ларнинг овқатларда қўлланиши худди ўриснинг рулетка ўйинига ўхшайди: сўнги натижа маълум эмас..."» ("Focus", "Қопқонга қўйилган текин нишлоқ")*.

Журнал яна гувоҳлик беришича, совуққа, муддатга, йўлга чидамли навини яратиш учун памилдориға акула ирси, колорадо қўнғизидан ҳимоя қилиш учун картишкага чаён ирси, курт тушишидан сақлаш учун олма-нокка курт ирси чатиштириляпти ва ҳоказо, бодрингга чаён, тарвузга одам, қўйга чўчка...

Бунақа хавfli йўллар билан яратилган "серҳосил", "тезпишар" навлардан албатта одам чўчиди-да. Биз янгиликка ҳеч ҳам қарши эмасмиз. Аммо бу "янгиликлар" қанақа янгилик эканига, сабаб ва оқибатларига эътибор қаратмоқчимиз, холос.

Бизнинг диёрларимизда мева-чеваларнинг иқлим шароитимизга мос қатъий пишиш-етилиш тартиби бор эди. Ота-боболаримиз қишдан чиқарда дарахт меваларидан: олдин тут ерди, кейин эртапишар гилос, олча, сўнгра олманинг эртапишарини, ўрик, шафтоли ва ҳоказо... буёғи кечки меваларга уланиб кетарди; полиз экинларидан: олдин қулупнай (гарчи у кейин пайдо бўлган мева бўлса ҳам), кетидан бодринг, ҳандалак, памилдори (бу ҳам биз учун нисбатан янги ўсимлик), қовун-тарвуз ва ҳоказо... Шу тариқа тана-вужудларини қишқи очликдан халос этиб, муайян бир кетма-кетликда ҳар хил зарур дармондорилар билан тўйинтириб борарди. Бу жараён (дармондориларга тўйиниш жараёни) вужуднинг табиий эҳтиёжига кўра, керакли муддатларда ва табиий мевалар ҳисобига юз берар эди. Энди-чи?

"Болалигимдаги ҳандалаклар йўқ. Қани у ис? Қани у таъм?" деб бир гал кўмсаб гапирсам, зукко акаларимиздан бирлари бундай изох бердилар:

"У пайтлар меваларни ўз вақтида ердик, ҳозир баъзи қовун-тарвузлар ҳандалакдан олдин пишяпти... тўғрироғи, пишириляпти. Қовун-тарвуз еб қўйган оғизга ҳандалак мазали туюлармиди?! Қолаверса, қарияпмиз, таъм билгич хужайраларимиз ҳам қарияпти..."

Хужайраларимиз қариётгани чин, лекин ҳандалак масаласида биринчи айтилган сабаб кўпроқ "айб"ли эканини тан олишимиз керак...

(Давоми 30-бетда)



*Бу ерда ва кейин мақоланинг ўрисча интернет нусхасидан фойдаланилди.

ИҚРОР

*Ассалому алайкум, мухтарам ижодкорлар!
Сизларнинг журналингизни ёшлар ҳам се-
виб ўқишади. Кўпчиликнинг дарди-хаёли пул
топиш бўлиб қолган ушбу кунларда собиқ пул-
топарнинг дил сўзлари айрим ёшларни хато
йўлдан сақлаб қолса ажаб эмас, деган умид
қўлимга қалам тутқазди.*



Мен 1948 йили туғилганман. Иккита инсти-
тутни битирганман, кўплаб мақолаларим эълон
қилинган. Совет тарбиясини олганим учун ота-
онам сўзига эмас, "Худо йўқ" деб берилган
ақидага ишонганман ва "дин — афюн" деб бил-
ганман. Дастлаб чин коммунист эдим. Секин-
аста бизнесменга айландим. Мен Худонинг кучи-
га эмас, балки: 1) пул кучига, 2) қонун кучи-
га, 3) таниш-билиш, қариндош-уруғ кучига
юз фоиз ишонар эдим. Мен сиғинган ушбу уч
"санам" менга узоқ муддат ҳеч бир истисносиз
хизмат қилди. Шундай кун келди, мен ишон-
ган кучлар таги пуч бўлиб чиқди. Улардан ҳеч
бири мушкуллимни осон қилолмади. Бошимга
гушган кулфатлар босимидан ёруғ дунё қорон-
ғу бўлиб турган бир пайтда хаёлимда чақмоқ
чаққандек бир фикр пайдо бўлди:

"Сен ихлос қўйган кучларни пуч қилган
Худо бўлса-чи? Мутлоқ кўпчилик Худонинг
борлигини тан олиб турганида, сен инкор
этиб, хато қилаётган бўлмагин?"

Бу фикр бошқа мулоҳазаларга ҳам олиб
борди:

"Наҳотки, У ўз кучини кўрсатиш учун мен
ихлос қўйган кучларни илдизи билан кўпо-
риб ташлаб, менга ўзини намоён қилган
бўлса?! Худога ишониб яшаган ота-онам ҳақ
бўлиб, мен ноҳақ бўлсам, нима бўлади? Ху-
дога ишонсам ҳам, ишонмасам ҳам, бир кун
ўламан. Нариги дунё ҳақиқат бўлиб, Худо ол-
дида сўроққа тугилсам-а?..

Ҳозир қамоқдаман. Вақтим бемалол. Бекор
ётгунча бекор ишла, дейишади. Ҳарҳолда,
Қуръонни ўқиб ўргансам, зарар қилмайди-
су!" дедим ўзимга ўзим.

Қуръони каримнинг шайх Алоуддин Ман-
сур қилган маъно таржимасини қўлга олдим.
Рости, дастлаб тушуна олмадим. Инжилни
ўқиганимдан кейингина Қуръон аста-секин
сирларини очиб бераверди, мен ҳам улкан
қизиқиш билан Қуръон ичига кириб беравер-
дим. Лекин тирноғимнинг учидан сочимнинг
учига қадар худосизлик тарбияси ўтида жуда
мустаҳкам тобланганим учун бутун вужудим
қаршилик кўрсатишда давом этарди. Мусхаф-
да оятлар жойлашиши санавий тартибда
бўлмай, катта суралар бошида, кичик суралар
охирда берилиши ҳам ичимдаги шайтонга қўл
келди. Ўзимни ўзим ишонтиришим қийин ке-
чаётгани менга бундай фикр берди:

"Қуръони карим илоҳий китобми ёки ин-
сон ақлининг мевасими эканини аниқлаш
йўлини изла. Масалан, Қуръонда оламни яра-
тиш ҳақида сўз боради. Ушбу сўзлар кўп жой-
да рақамлар билан ифода этилади. Ўн беш
аср аввал инсоннинг табиат ҳақидаги били-
ми саёз бўлган. Ҳозир бизга Куёш системаси
ҳам, атом ядроси ҳам маълум. Қуръонда бе-
рилган рақамлар замонавий фан эришган
ютуқларга мос тушса, демак, Қуръонни
Аллоҳ туширган. Чунки табиатни яратган зот-
дан бошқа зот ўн беш аср илгари табиат сир-
ларини билмас эди".

Замонавий фан олам яралиши ҳақида
ишончли бир назария яратишга ҳозирга қадар
эриша олмагани бизга маълум. "Олам чанг-
тўзондан ташкил топган", деб айтган олим-
нинг фикрини, бошқа бир олим: "Олам кат-
та портлаш оқибатида пайдо бўлган", деган
фикри билан рад қилди. Кейинроқ "тартиб-

сизликдан тартиб вужудга келди" деб тахмин қилишди. Охирги йилларда эса "Олам — фрактал система" деган дунёқараш аҳамият касб этмоқда. "Фрактал" сўзининг моҳиятини асалари уяси очиб беради. Асалари уяси олти бурчакли шакл бўлиб, улар бир-бирига уланиб бир бутун уяни ташкил қилади. "Фрактал олам" дейилганида ҳам айна шу усул назарда тутилади. Бир бутун галактика Қуёш система-

сига ўхшаш системалардан, Қуёш системаси эса янада майдароқ ўзига ўхшаш шакллар йиғиндисидан ташкил топади. Галактикани ташкил этган шакллар бир-бирига ўхшаш эканидан энг кичик зарра шакли ҳам галактика шаклига ўхшашлиги маълум бўлади. Оддийроқ қилиб айтсак, галактиканинг шакли дума-

лоқ шаклда бўлса, ҳар қандай думалоқнинг оқ қоғоздаги тасвири айлана бўлади.

Айлананинг катта-кичиклиги аҳамиятсиз. Унинг ўлчамлари математика нуқтаи назаридан доим бир хил рақамлардан иборат бўлади...

Муҳтарам таҳририят аъзолари! Оламни Аллоҳ таоло қандай яратгани ҳақида билимим озлигини тан оламан. Тандирга биринчи марта ёпилган ноннинг орқаси одатда куйиб кетади ва бу ҳол узрлидир.

Мени қойил қолдирган нарса биргина "(Эй инсонлар), албатта Парвардигорингиз осмонлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра ўз Аршига ўрнашган Зотдир" (Юнус, 3) оятида атом ядросининг тузилиши билан Қуёш системасининг тузилишини сиғдирган Зот шу моддий оламнинг Меъмори, Қурувчиси, Конструктори, бир сўз билан айтганда, Яратувчи — Ижодкори экани аниқ математик ҳисоб-китобларда ўз исботини топганидир. Тўғриси айтман. Мени Аллоҳнинг борлигига ҳеч ким ишонтира олмасди. Мўъжизани қарангки, Аллоҳнинг ўзи борлигини рўйи-рост намён қилиб, бу оламни қандай яратганини аниқ ҳисоб-китоб қилиб берди.

Яна бир фикр!

Биз ўзбеклар орасида "эскича илм", "янгича илм" деган гаплар бор. Менимча, замонавий фан ва техника эришган ютуқларни яхши билган инсон олдида Қуръон ўзининг ранг-баранг хазиналарини кенг очиб берар экан, инсон замонавий илмларни, айниқса, адабиёт, математика, физика, табиатшунослик, (қисқаси барча фанларни) қанчалик чуқур билса, у Қуръонни шун-

чалик теран тушунар экан, унинг Аллоҳга бўлган имони кўр-кўрона бўлмай, балки мустақам пойдевор устига қурилган қаср сингари ҳам гўзалликни, ҳам юксак эътиқодни ифода қилар экан.

Агар "Ҳидоят" журнали ёшларимизни замонавий илм чўққиларини эгаллашга даъват этса ва ушбу илм олиш жараёнини Қуръонни ўқиш-ўрганиш билан уйғун олиб бориш маса-

ласини кўтариб чиқса, жуда улғу иш бўларди.

Менимча, мусулмонлик дегани фақат намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш деганигина эмас, балки турмуш тарзимизни тўласича Қуръон асосида қуриш деганидир. Шунда жамиятимизни ич-ичидан емириб бораётган жуда кўп қусурлар ўз-ўзидан барҳам топади, халқимиз дили янада поклашади.

Бизнинг турмуш тарзимиз Аллоҳга маъқул келса, У ризқимизни кенг қилади, яшаш тарзимиз, бир-биримизга муносабатимиз Аллоҳга маъқул бўлмаса, ризқимизни танг қилади.

Шунинг учун бугунги қийинчиликларимиз сабабчиси деб ўзгаларни айбдор қилишимиз нотўғри. Айб ўзимизда. Биз ўзимизни ўзгартирмасак, Аллоҳ бизни ўзгартирмайди. Ҳамма иш ўзимиздан бошланади. Бунга эркин мисол менинг ҳаётим. Ким эдим, ким бўлдим Худосиз бир одамнинг ўзгариб Худони таниши, Худонинг борлигига чин ихлос қўйиши ва тамомила бошқа одам бўлиши эллик ёшдан кейин ҳам мумкин экан-ку?! Нега энди ўзимизни қайта тарбиялаш кеч бўлди, дегуноҳ йўлдан қайтишни истамаймиз?

Юсуф УСМОИ

Расулulloҳ (у зотга Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин) **айтганлар:** "Бир киши Аллоҳ илмини (Исломи) теран ўрганади, теран тушунади ва ундан манфаатланади ва Аллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатади. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатади. Аммо ўзи амал қилмайди. Учунчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларга ҳам ўргатмайди. Булардан биринчиси мўмин, иккинчиси фосиқ, учинчиси кофирдир" (Имом Бухорий. "Саҳиҳ", 1-китоб, 21-боб, 35-бет).

Биров сизни меҳмонга таклиф этса, хурсанд бўласиз, орзиқасиз. Зеро, бир қадрдон дўст билан дийдорлашув ҳаяжони киши қалбида мавжланиб туради. Ҳажга эса сизни Аллоҳ таолонинг ўзи меҳмонга чақиради! Шу боисдан ҳам қалбингиз қувончи, ҳаяжони, титроқлари ҳеч муболагасиз одатий меҳмонга боришдан минглаб баробар ортиқ бўлади. Энг муҳими — иқболингиз кулиб, ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган фарз бир ибодатни адо этишга мушарраф бўласиз. Шунинг учун ҳам муқаддас тупроқларга қадами етган ҳар бир мусулмон бу неъматнинг қадрига етмоғи, афзаллиги тенгсиз имкониятнинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланмоғи лозим.

Масжидул Ҳаромнинг дарвозалари жуда кўп, аммо ҳожи биринчи киришида "24" рақамли "Бобус салом" (Салом дарвозаси)дан кириши керак. Дарвозалардаги рақамларга қараб борар эканман, юрагим тез-тез урар, ҳаяжондан гўё тўхта

гуноҳларга ботиб келдим! Мен гуноҳкор бандангни ўзинг кечир!" деб юбордим...

Каъбатуллоҳ тавофининг ҳар бири неча-неча ҳикматлар сирини очади. Айланганингиз сари ҳаётнинг чинакам маъносини англаш ҳисси кучаяди. Ривоят қилишларича, Каъбатуллоҳ ҳудудида 380 пайғамбарнинг, жумладан, Идриснинг (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) хоки ҳам қўйилган экан. Шунинг ўзи ҳам Каъбатуллоҳ қанчалик мукаррам ва азиз жой эканини билдиради. Каъбанинг теграида милёнлаб кишилар айланади. Тиқилинча терлаб, ихром жиққа ҳўл бўлиб кетади, аммо бу ерда нохуш ҳид сезмайсиз. Балки хушбўй-муаттар бир ис таралиб туради доим.

Тавофни адо этиб, Иброҳим (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) оёқ излари қолган тош яқинида икки ракат намоз ўқиб, замзам сувини тўйиб-тўйиб ичар эканман, бутун вужудим яйраб, куч-қув-

ЙИҒИ КЕЛДИ ҚАЛБИМГА

қоладигандек эди. Ниҳоят "24" рақамига кўзим тушиб — дарвозани топиб, юрагим уриши баттар тезлашди. Остонадан ўнг оёқни қўйиб, "Азу-биллаҳи минаш шайтонир рожийм. Бисмиллаҳир роҳманир роҳим", дейишим билан кўз ўнгимда эсимни таниганимдан буён орзу қилганим Каъбатуллоҳ намоён бўлди. Беихтиёр севинч ёшлари кўзларимдан қўйилиб кела бошлади. Тилим қалбимнинг таржимони эди. "Эй Аллоҳим, хузурингга, уйингга бошимдан оёғимгача

ватим ошганини, оёғимдаги оғриқлар ҳам тўхтаганини ҳис қилдим. Ҳолбуки, бу кун тиним билмаганмиз, кеча ҳам етарлича ухламаган эдик.


Замзам сувини ичаётганда бир нарсага эътибор берилса, яхши бўлади. Идишларда муздай сув ҳам, ҳаво ҳароратига моси ҳам бор. Бадан қизиб турганида муздай сувдан ичсангиз, шамоллаб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Яна бир эслатма. Каъбатуллоҳдаги ибодатдан кейин меҳмонхонага қайтмоқчисиз. Каъба-

туллоҳдан қайси томонга чиқишни билмасангиз, адашиб қолиш мумкин. Бундай бўлмаслиги учун кирган айвонингиз тепасида ёниб турган чироқларнинг рангини билиб, белгилаб олиш керак. Шунда йўналишни тўғри оласиз, бу ердан чиқишингиз осон бўлади.

Ҳажда эси бор ҳар инсон кўпроқ ибодат қилиш пайида бўлади. Ахир Байтуллоҳда ўқилган намозларнинг савоби, даражаси бошқа ердагига қараганда минг баробар ортиқ-да!

Арафотдаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир чодир олдидан ўтаётсам, ичкарида Қуръони каримнинг русча таржимаси ўқилаётгани қулоғимга



чалинди. Чодир ичига секин мўраладим: ўрта ёшлардаги эллик нафардан ортиқ рус аёл ва эркак мусулмонлари бу ўткинчи дунё тирикчиликларини унутишганича, кўзларида ёш билан буюк амрларни тинглашар эди. Бу ҳолатдан менинг ҳам кўзимга ёш айланди. Ислонми яқиндагина қабул қилган бу кишиларнинг ихлос ва хушуларига, ташналик билан билимларини ошираётганларига ҳавасим келди. Мусулмон юрtda кўз очиб, катта бўлганига қарамай, баъзи танишларимнинг имон калималарини ҳануз тўғри айтолмаслиги дилимни ўртади. Ибодати ва илми ҳаминқадар баъзи ҳожиларимиз шу муқаддас тупроқларга Ўзи етказганини ҳам чуқур англамай, билмаганини билиш, ибодатга берилиш ўрнига ҳазил-мутоиба қилиб юрганларига кўзим тушиб, афсусландим. Уларга Аллоҳдан тавфиқ тиладим.

Қисқаси, ҳаж ибодати дунёнинг ўткинчи, охирагининг мангу эканини, ҳамманинг Аллоҳ олдида тенглигини эслатадиган улуг бир ибодат. Ҳожилик мансаб ёки мартаба эмас, катта масъулият. Муборак, унутилмас имтиҳондан ўтиш. Унинг муваффақияти ҳаж арконларини пухта билиш, руҳиятни унга гўзал тайёрлаш билан қозонилади. Бўлажак ҳожи асл нурлар макони Каъбатуллоҳга интилиб борган каби бу бахт билан шарафлангач, ўзи ҳам нур таратиши, ҳар қачон яхшиликлари билан бошқаларга намуна, ибрат бўлиши керак.

Муборак ҳаж сафарини орзу қилиб турган биродарларимизга Аллоҳнинг ўзи йўл берсин, сафар қийинчиликларини осон қилсин. Мабрур ҳаж қилишларини муваффақ айласин.

**Норкул ҳожи
БЕКМИРЗА ўғли**



МАСЖИД ОЛИС ЭМАСМИ?

Эски шаҳарнинг автобус бекатида турган эдим, бир малласоч йигит келиб, салом берди. Ўзбекча сўрашди.

— Русмисиз? — дедим.

— Йўқ, мен олмонман.

— Тилимизни яхши билар экансиз.

— Тилингизга ҳам, элингизга ҳам муҳаббатим кучли!

— Исмингиз?

— Исмиим Йўҳан. Берлинда яшайман. Касбим қурувчи-муҳандис. Бир гуруҳ ёшлар юртингизга саёҳатга келган эдик. Шерикларим меҳмонхонада қолди. Пешин яқинлашяпти. Ибодатга шошилаётган эдим. Масжид олис эмасми?

— Олис эмас. Мен ҳам масжидга бораётган эдим, юринг!

Йўлда Йўҳан ўзи ҳақида гапириб берди:

— Бир Ислон олими билан танишиб, араб тилини ўргандим. Қуръони карим ва ҳадисларни ўқидим. Ихлос сурасидаги "Аллоҳ ягонадир!" оятига кўзим тушганидаёқ, дилим ёришди. Имон келтириб, Ислонми қабул қилдим.

Масжидга кириб намозни адо этиб чиққанымизда қавмдошлар бизни ўраб олишди. Одамларнинг кўзи олмон мусулмонда эди. Уларга Йўҳанни

таништирдим. Бу йигит немис эканини, Ислонми қабул қилганига ўн йил бўлганини айтдим.

— Қойил-э, — деб юборди қавмдошларимиздан бири.

— Бунинг ҳеч қойил қоладиган жойи йўқ. Ақли салим кишининг ўзи Ислонми танлайди, — деб тушунганларини сўзлай кетди Йўҳан. — Ислон эса миллат танламайди. Ким чин дилдан имон келтирса, ҳукмларини бажаришга интилса, одамларнинг яхшиларидан бўлади. Бу борада мен кўп китобларни ўқидим ва ўқияпман. Ислон инсониятни маънавий камолот сари етакловчи ягона пок ва ҳақ дин эканини англадим. Имон лаззатини тоттишдан кўра улуг лаззат йўқ. Нега бу динни аввалроқ қабул қилмаган эканман, деб гоҳида афсусланаман ҳам. Сизларга ҳавасим келади. Сизлар Ислонда туғилгансиз, Ислонда яшайсиз, Ислонда ўтасиз. Ислонга буюк ҳисса қўшган улуг алломаларингиз бор.

Биродарларимиз Йўҳаннинг сўзларини ҳаяжон ва кўзларда ёш билан тинглашди.

**Исмоилжон АЛИЕВ,
Андижон**

ЧОРШАМЪ



1955 йил Когон туманидаги Миёнкўл қишлоғида туғилган. ТошДУда таҳсил олган. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси аъзоси. "Шарқий қутб", "Маҳактош", "Иккинчи нафас", "Афанди алдамайди", "Айро йўллар", "Севгини соғиндим", "Ошиқлик" номли китоблари чоп этилган. Ҳозир "Ўзбектелефилм" студиясида муҳаррир.

Ёзган билан сатрим тугамас

Баҳоуддин бобомнинг

Ажаб дуолари бор
Баҳоуддин бобомнинг,
Минг бир садолари бор
Баҳоуддин бобомнинг.

"Дилинг мудом Аллоҳда,
қўлинг меҳнатда бўлсин!"
Деган фатволари бор
Баҳоуддин бобомнинг.

"Кам егину кам ухла,
кам гапиргил ҳамиша",
Деган нидолари бор
Баҳоуддин бобомнинг.

"Бизга ҳавас на ҳожат,
ғарибга ғам на ҳожат",
Деган даъволари бор
Баҳоуддин бобомнинг.

"Ёр кўйида гадоман,
васли дея адоман",
Деган наволари бор
Баҳоуддин бобомнинг.

"Кўлим дуода бўлиб
жон бермоғимни кўринг",
Деган қазолари бор
Баҳоуддин бобомнинг.

Чоршамъ, элга бу ҳикмат
доим бўлғуси ибрат
Ахир, ҳимолари бор
Баҳоуддин бобомнинг!

Дард чекаман - дардим тугамас,
Ёрсиз ҳаёт тарзим тугамас.

Мажнун каби девонадурман,
Юракдаги гардим тугамас.

Ҳолим кўриб ҳайрона боққан
Теграмдаги мардум тугамас.

Муҳаббатсиз кимсалар ичра
Қалбимдаги қаҳрим тугамас.

Лайли каби келмади бир бор
Ёрга айтар арзим тугамас.

Чоршамъ, шеърдан нажот истадим
Ёзган билан сатрим тугамас.

Бошланур

Дўстлар, назму наво
Отам Атодин бошланур,
Ёрига меҳру вафо
Момо Ҳаводин бошланур.

Ҳақ таоло қалбимизга
нақш этибди ишқини,
Ишқини пок сақламоқ
аҳли фанодин бошланур.

Эътиқод қўйган киши
топгай саодат оқибат,
Ҳақ йўлини англамоқ
Каломуллодин бошланур.



Ғофил юрган кимсалар
токи ибрат олсалар,
Дини Ислом равнақи
ул Мустафодин бошланур.

Не учун ғофил эли
билмайди умри қадрини,
Куфри неъмат айламак
нафси балодин бошланур.

Қон билан кирган эса
жон билан чиқмоғи бор,
Жонни озор чекмаги
кибру ҳаводин бошланур.

Сидқидилдан айлагил
тунлар муножот, Чоршамъ-эй,
Дилга туйғу келмаги
боди сабодин бошланур.

Тавба

Тавба Ислом динининг туғидир.
Хожа Ориф Ревгарий

Ў, Ориф Ревгарий, ў, Моҳитобон,¹
Тавба Ислом дини туғидир ҳамон.
Фақат... бу тавбани изҳор этмасдан
Адашиб юради бандаи нодон.

Ў, Ориф Ревгарий, ў, Моҳитобон,
Тавба Ислом дини туғидир ҳамон.
Фақат... Ислом дини нажот эканин
Билишни истамас бандаи нодон.

Ў, Ориф Ревгарий, ў, Моҳитобон,
Тавба Ислом дини туғидир ҳамон.
Фақат... бу туғни бош узра тутмасдан
Топтаб ўтаверар бандаи нодон.

Оҳ, Ориф Ревгарий, оҳ, Моҳитобон...



Онам ва қишлоқ

Майда гаплар эзиб ташлабди жуда
Рангларига боқиб фикр этаман.
Кўплар кўнмаса ҳам менинг раъйимга
Онамни қишлоқдан олиб кетаман.

Ҳаёт фақат ғамдан иборат эмас,
Кўринг, дейман, дунё гўзал, беадоқ...
Фақат уч кунгина яшар бу ҳавас
Кейин бошланади соғинч, кўнсамоқ.

Ҳали тонг ёришмай тор ҳовлидаги
Тор йўлак ёқалаб юрарлар аста.
Нимадир етишмас, нимадир ортиқ,
Буни сездирмаслар диллари хаста.

Кўзлари йўл кўра бошлаган сари
"Қишлоқ"лаб қоларлар тортганча мулзам.
Маънос қароқларда маъни ўқийман:
"Мени ташлаб қелгин қишлоққа, болам!"

Ў, она, онажон, дарёи азим,
Сизга монанд эрур фақат шу диёр.
Узиб бўлмас экан фарзандлик қарзин
Бунга имкон йўқдир, фақат истак бор.

Бу бир маҳкумлики, бу бир тоълеми,
Англаб етолмайин тўкилар жолам.
Қишлоқ яшай олар онамсиз балки,
Аммо яшолмаслар қишлоқсиз онам.

¹Ориф Ревгарийни шундай аташган. "Ойдек нур таратувчи" маъносида.

Бахтиёр ФИДОИЙ

Баҳорга интиқ қалбим

* * *

Улкан дарёданмас, чашми
зиллолардан кўрқаман,
Мени жарга элтар ширин
хаёллардан кўрқаман,
Умр ўтди гафлат босиб,
уволлардан кўрқаман,
Мен кутмаган ёқдан эсар
шамоллардан кўрқаман.

Кимдир кўрқар қаро тундан,
кимдир кўрқар офтобдан,
Ким ортидан келар гапдан,
кимдир кўрқар меҳробдан.
Кимдир мисол келтирса гар
ҳаётимга китобдан,
Ҳикмат тўла ўша оддий
мисоллардан кўрқаман.

Кимлардандир, кўрқиб яшаш
одамзодга дард экан,
Тор йўлларда зийрак юриш
ҳар кишига шарт экан.
Осийликдан кўрққан киши
аслида чин мард экан,
Бир кун келиб, Тангрим берар
саволлардан кўрқаман.

* * *

Мингга ташна кўнглим
юзларга ҳеч кўнмагай,
Баҳорга интиқ қалбим
кузларга ҳеч кўнмагай.
Поклигу меҳру вафо,
гўзаллик жону дилим,
Болга муштоқ забоним
тузларга ҳеч кўнмагай.
Бу ширин каломимга
кулди кўплар, эй рақиб,
Узр, қалбим оғули
сўзларга ҳеч кўнмагай.
Билдимки, ишқ боғида
эсар майин шаббода,
Ёнар ўт ичра жоним,
музларга ҳеч кўнмагай.
Жонни жабборга бериб,
шошар ёрга ошиқлар,
Фидоий сокин нечун,
тезларга ҳеч кўнмагай.



МЕНИ МАККАТУЛЛОГА ОЛИБ БОРАСИЗ-А?

Жажжи ҳикоялар

Бола дегани йиқилиб катта бўлади-да!

Кўчадан бери келмайдиган Ҳабиба укалик бўлдию уйга боғланди-қолди. Ойиси чақалоқ билан туғруқхонадан келган кунданоқ укасининг ёнидан иложи борича жилмайдиган бўлди. Мултфилм дегани Ҳабибанинг жону дили эди.

Қулоғига бирдан қўшни хонадаги телевизордан мултфилм мусиқаси эшитилди. Ҳабиба шошиб қолганидан йўргакланган укасини қўғирчоқ кўтаргандай қўлтиқлаб югуриб кетди. Сергак турган онаси ҳай-ҳайлаб, унинг қўлидан укасини тортиб олди.

Энди бу воқеа шов-шув бўлиб, биров кулиб, биров хавотир олиб, ҳар ким ўз муносабатини билдирди.

Кўпчилик ўтирган эди, яна гап ўша воқеага бориб тақалди. Шунда Ҳакимжон опоқдаси Ҳабибага танбеҳ бериб:

— Сен умуман укангни кўтарма, йиқитиб юборасан, — деди.

Ҳар дам ҳозиржавоб бўлган қизалоқ:

— Опоқдода, бола дегани йиқилиб-йиқилиб катта бўлади-да, — деди кулиб.

Ювинмай кўришилмайди

Дам олиш куни Ҳабиба кечроқ уйғонди. Ҳовлига чиқса, қанақадир хола супада чой ичиб ўтирган экан. Ҳабиба бошини қуйи туширганча ювиниш хонасига ўтиб кетди. Унинг орқасидан кампир: "Ас-

салому алайкум, вой анув қизни қаранглар, салом бермади", деб изза қилмоқчи бўлди.

Ҳабиба юз-қўлини ювиб тез артиниб чиқди-да, кампирга салом берди ва:

— Додам одобли бола юзини ювмасдан туриб бировлар билан кўришмайди, деб ўргатганлар, — деди.



Шошмай турунглар ҳали

Байрам куни Ҳабибанинг катта бувисиникига кўп меҳмонлар бола-чақалари билан келишди. Меҳмонларнинг бир қисмини кузатишаркан, уйда қолган кампирлар:

— Буни қаранг, ҳозир кетган меҳмон болалар салом беришни билишмас экан, — деб қолишди.

Яқин-орада ўралашиб юрган Ҳабиба:

— Э-э, нима деяпсизлар ўзи. Улар ҳали кичкина бола бўлса, балки уялишгандир. Шошмай турунглар, катта бўлишса, ба-

лодай салом бериб қолишар, — деб тенгқур қариндошларини ҳимоя қилди.

Ҳайитлик дастурхони

Ҳайит намозини ўқиб бўлиб онамни кўришга ошиқиб келяпман. У киши байрам кунлари катта дастурхон тузаб, оқ дока рўмолларини елкаларига ташлаб меҳмон кутадилар. Келин-келбат хизматда, кун бўйи меҳмонларнинг кети узилмайди.

Эшикка яқинлашарканман, ичкаридан бувисидан ҳайитлик олиб хурсанд чиқиб келаётган неварам Ҳабиба бу йил мактабга чиққан кичик опаси Барнога кулиб гапиряпти:

— Опа, тавба қилдим, кўрдингизми, ҳеч замонда ҳайитлик дастурхонига тузланган бодринг ҳам қўйилар эканми?!

Қариялардан хафа бўлинмайди

Тўнғич неварам Дилором шамолладими, мазаси бўлмай, икки-уч кун мактабга ҳам боролмай қолди. Бунинг устига, катта бувиси, мендан хабар олмадинг, деб унга эътироз билдирди.

Бувиси кетгач, Дилором ойисига шикоят қилиб қолди:

— Ойи, мен ҳали ёш бола бўлсам...

Уни кузатиб турган кичик синглиси Ҳабиба жилмайганича ойисининг ўрнига жавоб берди:

— Вой опа, сиз ҳам қизиқ экансиз-ку. Бувимлар қари

бўлсалар, ҳеч замонда кампирлардан хафа бўларканми одам?! Беш минут аҳамият бермай жим туриб берсангиз, ҳаммаси ўтиб кетади.

Телевизор талашмас эдим

Кудамиз, полковник Худоёр амаки оламдан ўтди. Марҳумни сўнгги йўлга кузатишга катта жамоат йиғилди. Қабристон узоқ бўлгани учун майит солинган тобутни юк машинасига қўйиб, кузатувчилар унинг орқасидан автомашиналарда йўлга тушишди. Ҳамма қайғуга чўмган, ким йиғлайди, ким сукут сақлайди. Айниқса, Баҳромжоннинг ақли лол, чунки у мактабдан қайтгач, бобоси уззу-кун бирга бўларди.

Баҳромжонни кузатаман, у тобутга қараб гоҳ йиғлар, гоҳ жимиб хаёлга чўмиб кетарди. Бир пайт у:

— Додам ўлмасалар бўларди, агар тирилиб келсалар, "Ахборот"ларини кўраверсалар майли эди, мултфилм кўрмасам ҳам чидардим, ҳеч қачон телевизор талашмас эдим, — деб ҳўнграб юборди.

Куш унида кўрганни қилади

Кенжа неварам Ҳабиба эндигина икки ёшга тўлган пайти эди.

У ҳеч қийналмай йигирмагача санай олади. Ҳар бир гапни тўлиқ ва аниқ талаффуз этишга ҳаракат қилади. Уйда намоз ўқилганида у албатта сергакланади. Яъни, радио ёки телевизор ишлаб турган бўлса, овозини пасайтиради; бошқалар гаплашаётган бўлса, олдиларига бориб жажжигина кўрсаткич бармоғини лабига теккизиб, жим-м, намоз ўқил-япти, деб огоҳлантиради; эшик тагида посбонлик қилиб, ҳеч

кимни у ерга ўтказмайди. Намоздан сўнг жойнамозни у йиғиштириб олиши керак, бўлмаса, йиғлаб бериши ҳам ҳеч гап эмас.

Яқинда аср намозини адо этиб, фотиҳа тортишим билан Ҳабиба югуриб келиб салом берди. Алик оларканман, меҳрим жўшиб, икки юзидан ўпдим. Тиззамда ўтирганча икки қўли билан елкадан тутиб, юзларимга синчковлик билан қараб:

— Дода, катта бўлсам, мени Маккатуллога олиб борасиз-а? — деди.

Ҳайрон бўлиб:

— Қизим, сен билан бу мавзуда гаплашмаган эдик, ким сенга ўргатди? — дедим.

— Ўзингиз ўргатдингиз-ку, олиб борасиз-а? — деб яна сўради.

— Ҳа, майли, она қизим. Худо хоҳласа, олиб бораман, — деб беихтиёр яна дуога қўл



очдим, томоғимга нимадир тиқилиб келди:

— Эй қодир Аллоҳ, мана шу норасиданинг қалбига муқаддас уйингга бориш ишқини солибсан, Сендан илтижо қилиб сўрайман, кўпчиликнинг боласи қатори унинг умрини узун, бахтини бутун қилиб бергин. Менга уни Каьбатуллоҳга олиб боришни насиб эт...

Ҳабиба менадан сўнг жойнамозга турасолиб, менга тақлидан "Аллоҳу акбар", деб ётиб тураверди.

Иложинг қанча

Ҳабиба биринчи синфга чиқдию учинчи куниеқ ҳафсаласи пир бўлди.

Мақтабга кузатиб кетарканман, йўлда ундан сўрадим.

— Она қизим, нега энди хомуш бўлиб қолдинг, ўқишга қизиқар эдинг-ку!

— Дода, ўзингиз ўйланг, — деди у куйиниб, — баъзи болалардан устоз бирга иккини қўшсанг, неча бўлади, деб сўраса, анғрайиб, жавоб беришолмайди. Шунақалар ичида қанақа қилиб яхши ўқийсан.

Омонуллоҳ МУТАЛ



Аждодларимиз қолдирган илмий ва адабий меросдан баҳраманд бўлсак, шубҳасиз маънавиятимиз бойийди. Улуғ олим Абу Абдурахмон Муҳаммад ибн ал-Хусайн Суламийнинг "Ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар") асаригаги бир ибрatли воқеа¹ диққатимизни тортди. Муборақ ҳаж сафари билан боғлиқ бу воқеа Шайх Жунайд Бағдодийга нисбат берилган ва у Қуръони карим Оли Имрон сурасининг 97-оятига боғлаб баён этилган. Ҳажнинг маънавий жиҳатларига жиддий эътибор қаратилган бу воқеа фарз ибодатнинг моҳиятини очади. Парчани яхши умидда "Ҳидоят" мухлисларига илдиндик.

ҲАЖ ҚИЛДИНГМИ?

Бир одам ҳаж зиёратига кетиш олдидан Жунайд Бағдодий билан хўшлашгани келди. Шайх Жунайд сўрадилар:

— Қаерга кетяпсан?

— Ҳажга.

Сўнгра у киши Жунайд ҳазратлари билан хайрлашиб ҳажга кетди ва қайтгач, ул зот билан яна учрашди. Шайх Жунайд сўрадилар:

— Ҳаж қилдингми?

— Қилдим.

— Кийимингни ечдингми?

— Ҳа.

— Қилган ҳар бир (ёмон) амалларингдан қам ечиндингми?

— Йўқ.

— Сен кийиминг-

ни ечмабсан. Покландингми?

— Ҳа.

— Бу покланишдан сўнг ўзингдаги барча иллатларни кетказдингми?

— Йўқ.

— Сен покланмабсан.

— Ҳарамга² кирдингми?

— Кирдим.

— Ҳарамга кирганигда ҳар қандай ҳаромни тарк этишга қарор қилдингми?

— Йўқ.

— Сен Ҳарамга кирмабсан.

— Масжиди Ҳарамга кирдингми?

— Кирдим.

— Аллоҳга яқинлашишга эришдингми?

— Йўқ.

— Сен Масжидга кирмабсан. Каъбани кўрдингми?

— Ҳа.

— Аллоҳ учун интиланган гоянгга эришдингми?

— Йўқ.

— Сен Каъбани кўрмабсан.

— Сафога чиқдингми?

— Ҳа.

— У ерда нима қилдинг?

— Такбир айтдим.

— Сафога чиқиш билан сириг софлашдими? Парвардигорингни такбир айтиб улуғлаш билан коинот кўз ўнгингда кичрайдими?

— Йўқ.

— Сен Сафога чиқмабсан ҳам, такбир ҳам айтмабсан.

— Марвада турдингми?

— Ҳа.

— Марвада эканигда ўзингни ботиний хотиржамлик тутганини сездингми?

— Йўқ.

— Сен Марвада турмабсан. У ердан Минога бордингми?

— Ҳа.

— Тилаганинг сенга берилдими?

— Йўқ.

— Сен Минога бормабсан. Ҳайфа масжидига кирдингми?

— Ҳа.

— Бу масжидга кирмоқлик ила кўрқувларинг кетдими?

— Йўқ.

— Унда сен Ҳайфа масжидига кир-



мабсан. Арафотга ҳам чиқдингми?

— Ҳа.

— Ўзингнинг яратилганинг ва бориб етадиган ҳолингни фикрладингми? Парвардигорингни танидингми? Аллоҳ сенга хос бандаларигагина билдирадиган ҳолни кўрсатдимми?

— Йўқ.

— Сен Арафотга чиқмабсан. Машъарга югурдингми?

— Ҳа.

— У ерда мосувони унуттирадиган даражада Аллоҳни зикр қилдингми?

— Йўқ.

— Сен Машъарга чиқмабсан. Қурбонлик қилдингми?

— Ҳа.

— Шаҳватларингни ва ўз иродангни Ҳақ ризоси йўлида йўқ қилдингми?

— Йўқ.

— Сен қурбонлик қилмабсан. Шайтонга тош отдингми?

— Отдим.

— Ўзингдаги жаҳолатни ҳам отдингми? Шу туфайли сенда илм нишониси кўриндимми?

— Йўқ.

— Сен шайтонга тош отмабсан.

— Иҳлол қилдингми?

— Ҳа.

— Ҳалол таомга азм этдингми?

— Йўқ.

— Сен иҳлол қилмабсан. Видо этдингми?

— Ҳа.

— Нафсингдан ва руҳингдан бутунлай фориг бўлолдингми?

— Йўқ.

— Сен видо ҳам қилмабсан, ҳажни ҳам адо қилмабсан. Истананг, қайтадан ҳаж қил. Агар такроран ҳажга борсанг, шу айтганимдек ибодат этишга ҳаракат қил.

Отабек

РУСТАМБЕК ўғли

тайёрлади

¹Абу Абдураҳмон Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн Суламий. "Ҳақойиқ", Истанбул. Сулаймония кутубхонаси, Фотиҳ қисми, 262-рақамли кўлөзма, 24-25-бетлар.

²Макка шаҳри ва атрофлари (мийқотлар ичкарисиси ҳам) ҳарамдир.

Қонингиз ва молингиз бир-бирингизга муқаддас

Муҳаммад ибн Сири (Аллоҳ у кишини раҳматига олсин) ривоят қилади: "Набий (у зотга Аллоҳдан саловот ва саломлар ёғилсин) Наҳр куни бизга хутба ўқидилар, сўнг: "Биласизми, бугун қайси кун?" дедилар. Шунда биз: "Аллоҳ ва унинг Расули билгувчидир", дедик. У киши жим қолдилар, ҳатто биз бу кунни бошқа бирор ном билан атасалар керак, деб ўйладик. Кейин бошларини кўтариб: "Наҳр куни эмасми?" дедилар. Биз: "Ҳа", дедик. "Бу қайси ой?" дедилар. Биз: "Аллоҳ ва унинг Расули билади", дедик. У киши яна жим қолдилар, ҳатто биз уни бошқа бирор ном билан атасалар керак, деб хаёл қилдик. Кейин: "Зулҳижжа эмасми?" дедилар. Биз: "Ҳа", дедик. "Бу қандай шаҳар?" дедилар. Биз: "Аллоҳ ва унинг Расули билади", дедик. У киши яна сукут сақладилар, ҳатто биз уни бошқа бирор ном билан атасалар керак, деб ўйладик. Кейин: "Муқаддас (шаҳар) эмасми?" дедилар. Биз: "Ҳа", дедик. Жаноб Расулуллоҳ: "Аллоҳ таоло сизларнинг қонларингиз ва молларингизни бир-бирингиз учун мана шу муқаддас жойингиз, ойингиз ва кунингиз каби, то Парвардигорингизга рўпара бўладиган кунгача муқаддас қилди. Сизларга етказа олдимми?" дедилар. Саҳобалар: "Ҳа", дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: "Ё Парвардигоро, вазифамни адо этганимга гувоҳ бўлгин. Шу ерда турганлар бошқаларга (сўзларимни) етказсинлар, чунки тингловчиларга нисбатан ривоят қилувчилар ёдларида кўпроқ сақлаб қоладилар. Мендан кейин бир-бирининг бўғзига тиг урадиган кофир бўлиб кетмангиз!" дедилар (*Бухорий ривояти*).



"МАРМАР"У "АШТАРХОН" ҚАНИ? "ОЛМАКИ"Ю "ЎЗБЕКИСТОН" ҚАНИ?

(Давоми. Бошланиши 18-бетда)

Бозор ва ватанпарварлик

Мен бир нарсага ҳайронман: бунча қисқа вақт ичида амриқо тарвузи полизларимиздан, бозорларимиздан деярли барча маҳаллий-жайдари тур тарвузларни қандай сиқиб чиқара олди? Бу сурбет уруғлар шу қадар қудратлими, борган жойида фақат ғалаба қиладиган?!

Тўғри, бозорда ватанпарварлик туйғуси ҳамisha ҳам бўлавермайди. Агар давлат аралашмаса ёки бўш қўйиб берса, бу зарур туйғу ўрнини пулсварлик туйғуси эгаллаб олади ва ватанпарварлик тугул, тескари ишлар ҳам бўлиб кетади бозорда. Бу аралашини бозорни чеклаш ҳисобланмайди, балки халқ манфаатини, мамлакат манфаатини, ҳатто хавфсизлигимизни таъминлаш бўлади. Масалан, эркин бозор сиёсатини тарғиб-ташвиқ этаётган ўша Фарб давлатларининг ўзини олиб кўрайлик. Улар ҳам ички бозорларини мамлакатлари манфаатига уйғун ҳолда ушлаб-бошқариб туришади. Четга,



айниқса, энди ўсиб келаётган мамлакатлар бозорига сифатлию сифатсиз молларни тўсиқсиз олиб кириш учун "эркин бозор" ғоясини зўр бериб тикиштиришларига, ҳатто бу йўлда турли йўллар билан босим ўтказишларига қармай, ўз ички бо-

зорларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишади. Товар бир хил бўлса, маҳаллийига имтиёз беради, четдан кирмоқчи бўлаётган мол йўлига сифат, устама бож сингари талаблар билан тўсиқлар қўяди. Дейлик, автомобил ишлаб чиқарувчи бир мамлакат халқига биринчи навбатда ўзининг мошиналарини ўтказиш учун четдан кирадиганларга бож ҳақини ошириб қўя-

ди. Ва бундай чорага ҳақлидир ҳам. Худди шунингдек, маҳаллий саноатни шакллантириш ва ўстириш учун, масалан, Хитойнинг сифатсиз пойафзали, кийим-кечаги йўлига тўсиқ қўйиб, Андижон косибчилиги мактабини, Қўқон кийим-кечак саноатини рағбатлантириш айна халқимиз манфаатига мос тушади.

Шу усулни деҳқончилик (уруғчилик) соҳасида ҳам қўллаш керак. Агар бугунги кетув ўз ҳолига ташлаб қўйилса, эртага кеч бўлади. Ҳозирнинг ўзида, масалан, памилдорининг турли-туман маҳаллий уруғлари бозорда қолмади — экилмаяпти. Ҳаммаёқни Амриқонинг қаттиқ, сувсиз-мазасиз, ирсияти ўзгартирилган памилдорилари босиб кетди. Бу йил ҳартугул жайдари бодринг ҳам кўриниб турди, лекин янаги йили нима бўлади — Аллоҳ билади. Ёз ўрталаридан ўтиб, кузга келибгина Тошкент бозорларига памилдорининг "Юсупов" нави чиқди, олиб ея бошладик. «Олмаки» ёки «ўзбекистон» навлари умуман кўринмади ҳисоб. Бизга нима бўлган ўзи, дунё емагида-ичмагида маза истаб, дармондори истаб, табиийлик истаб диёрларимизга келяпти, биз бўлсак, фитрати бузилган, ясама — табиатнинг эмас, "илм-фан"нинг "мевалари"га ишқимиз тушиб қолди?!

Қурумсоқ милёнёр

Ёз охирлари эди. Ишхонамизга бир танишим, унга илашиб бир бегона йигит ҳам кириб келди. Сухбатлашиб ўтирдик. Гап айланиб, бозор-ўчар, мева-чевага тақалди. Ҳозир бутун Оврупада ирсияти ўзгартирилган маҳсулотлар масаласи кўтарилгани, қаттиқ тортишувлар кетаётгани айтилди. Шу дамгача индамай ўтирган ҳалиги бегона йигит бирдан сўзга киришиб, амриқолик катта бир бизнесменга шопирлик қиладиган ўртоғининг ҳикоясини гапириб берди:

"Хўжайин билан бозорга кирсак, олма-нок керак бўлса, сархилини олмайди, яқинигаям

йўламайди, нукул буррак-суррагини, қурт тушганларини олади. Ўзи милёнер-у, жуда қурумсоқ. Тагинам ўзимизнинг халқимиз сахий экан, меҳмонга деса, бор-будини сарфлаб бўлсаям тозасини қўяди дастурхонга", деган экан ўртоғи.

Оврупада кечаётган машмашаларни эшитиб, меҳмон шошиб қолди.

— Гап бу ёқда экан-да... — деди ҳайратланиб.

Ҳа, ўлманг, биродар! Милёнернинг бозордаги қилиғи унинг қурумсоқлигидан эмас, меванинг асилини ва тозасини билишидан, табиийини қадрлаганидандир. Бизнинг у "сархил" олма-нокларга бор-будимизни сарфлаётганимиз сахийлигимиздан эмас, ирси ўзгартирилган ясама меваларни ҳали-ҳозирча яхши танимаётганимиздан, ўзимизнинг жайдари, табиий, фойдали ва ниҳоятда мазали (балки шунинг учун қурт тушадиган) меваларимизнинг ҳақиқий баҳосини билмаётганимиздандир!

Бозор ҳам ҳозирча маҳаллий мева-чеваларимизнинг қадрини билмаяпти. Билганида, юртимизга четдан пахмоқ тўрхалгачаларда (лекин худди микроблар сингари сездирмай) бостириб кириб келган у сохта мевалардан кўра ўзимизнинг табиий, жайдари меваларимизни қадрлаган бўлар эди. (Овунтирадиган бир ҳол: бу йил жайдари қулупнай "ясама"ларидан сал қимматроқ бўлди!)

"Олдиндан оққан сувнинг..."

Чиндан, олдимиздан оқаётган сувнинг қадрини ўзимиз билмаяпмиз. Юз йигирма йиллик мустамлака шароитида онгу юракларимизга мутелик-хорлик руҳияти шу қадар ўрнашиб қолибдики, яхшими-ёмонми ўзимизга хос хусусиятлар ҳам бўлиши мумкинлигини ва бу хусусиятлар яшашга ҳақли эканини унутиб юборибмиз. Ўзимизни паст, ўзгаларни юқори, ўзимизни орқада, ўзгаларни илғор, ўзимизни фақат эргашувчи, ўзгаларни етакловчи ҳис қилиб қолибмиз. На тижанда бугун юртимизга, хонадонимизга ҳар қанақа (кийим-кечагу асбоб-ускунадан тортиб, ёт тил ва ёт маънавиятларгача) қаланғи-қасанғи товар бемалол бостириб кириб келяпти. Яхши-ёмонини фарқламай қабул қиляпмиз. Четники бўлса бўлди. "Ўзимизники!" деган ғурур йўқ. Ҳатто тилда ҳам, адабиётда ҳам, илмда ҳам, ахлоқда ҳам, уй-жой қурилишию (евроремонт, евростандарт!), мана, энди деҳқончиликда ҳам — ҳамма соҳада шу кайфият ҳукмрон; ўлчовлар бегона. Бу тушкун ҳолатдан қутулиш чораларини тез ахтармасак, миллатимизни миллат қилиб турган ўзак хусусиятларимиз емирилади. Аллоҳ сақласин.

Кичкинагина бир мисол. Бундан ўн беш йиллар бурун бирдан узунчоқ нонларга ишқибоз



бўлиб қолдик. Қандайдир суюқ хамирдан тайёрланган кучсиз, ғози йўқ пўкак нонлар ўзимизнинг сўлқилдоқ тандирнондан чиройли кўринди кўзимизга. Мамлакат "Докахлеб"ларга тўли кетди. Қолбуки, юртимиздан кўчиб кетган бити яҳудий бу пайтда Нуййорк кўчаларида танди ўрнатиб олиб, иш ахтариб борган ўзбекларга ноёптириб, қарсиллатиб пул ишлаб ётибди! Не! деганда, тандир ҳам, тандирнон ҳам буюк, дунёда ўхшаши йўқ кашфиёт эканини у биледи! Бу бўлсак, янгича шароитда бу кашфиётни янад ривожлантириш, янги технологиялар асосида ўтказиш йўллариини излаш ўрнига капиталистларнинг пўкак нонига ошиқ бўлиб қолдик...

Хайрият, тандирнонимизнинг афзаллигини тез орада тушуниб етдик. Лекин барибир бу нонни ёпиш усулларимиз ҳали ҳам ўша-ўша даражада — ота-боболаримиз кашф қилган ҳолида қолиб кетяпти.

Шунга қиёсан қарасак, бугун далаларимизда тўла ҳукмронликни памилдорининг, бодрининг, тарвузнинг, олманинг, нокнинг фақат бири турига — ўзидан уруғ қолдирмайдиган, ясама ва эҳтимол, саломатликка зарарли турига бериб қўйиш оқибати ўйланмаган иш бўлар эди

Диққат, огоҳ бўлайлик!

Оқибат нима бўлиши мумкин?

Дунёдаги бор тирик мавжудотнинг табиий ҳаёти битта мазмунга — уруғ (насл) қолдириш боғланган. Шундай хусусият билан яратилган улар. Улкан дарахт йил бўйи жимитдеккина уруғ учун ишлайди. Олма дарахтининг ёки тарвуз плагининг мақсади инсонга олма ёки тарвуз мевасини пишириб бериш эмас, балки ўзидан насл уруғ қолдиришдир. Бу уруғларни хилма-хил шакли ва турлича мазали мевалар ичида етилтири қонуниятини йўлга қўйиб, уларни инсон наслнинг давомийлигига сабабчи неъмат қилиб бергани Аллоҳнинг ҳикматидандир. Демак:

Биринчидан, уруғ қолдириш қобилият

ўлдирилган, ирсияти ўзгартирилган маҳсулотларни кўпайтиришда ва дунёга ёйишда ХАЁТ деб деб аталмиш бебаҳо неъматнинг табиий мувозанатига жиддий хатар бор.

Иккинчидан, ўзидан уруғ қолдирмаслик хусусияти сурункали истеъмол натижасида инсон вужудига ҳам сингиб, охир-оқибатда одам ҳам насл қолдириш қобилиятини йўқотиши мумкин.

Учинчидан, саратон ва семириш касалликларининг кўпайишига сабаб бўлиш эҳтимоли кучли. Ўтган йилги маълумотларга қараганда, АҚШда 59 милён киши ёғ босиш касалига чалинган. Бундан бор-йўғи ўн йиллар бурун бу касалликка чалинганлар ҳозиргидан тўрт барабар кам бўлганини ҳамда айни ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб пештахталарни ирсияти ўзгартирилган маҳсулотлар эгаллаганини ҳисобга олсак, шу далилнинг ўзи одамни ўйлаб кўришга мажбур қилади.

Тўртинчидан, аюла, чаён, чўчка, курт-қумурсқа, ҳар хил микроблар, пашша каби жониворларнинг ирсияти (гени) чатиштирилган меваларни давомли ёйиш оқибатида болаларимиз ва невараларимиз эртага жабра ёки дум, қанот ёки туёқ билан туғилмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки бу уруғларнинг тиббий асоратлари лаборатория шароитида маҳсус таҳлил қилинмаган ("Focus").

Бешинчидан ва балки энг муҳимини "Focus" журнали бундай тушунтиради: "Сиз уруғлик ишлаб чиқарувчи ширкат (ва мамлакат)ларга буткул қарам бўлиб қоласиз. Бундан кейин сиз ўз хоҳишингиз билан эмас, балки уларнинг ҳукми билан ишлашга мажбур бўласиз. Ҳар йили экиш учун улардан уруғ сотиб олишга мажбурсиз, сизда танлаш имкони бўлмайди, қандай уруғ беришса, шуни оласиз, чунки ўзингиздаги табиий уруғлар йўқ бўлиб кетган. Эътибор беринг, чатиштирилган уруғ ишлаб чиқарувчилар бошда бу уруғларини сизга текинга таклиф қилишади. Обдан шу уруғликдан фойдаланишга ўтиб, қўлингиздаги (мамлакатингиздаги) экологик тоза, анъанавий уруғларни йўқотиб бўлганингиздан кейингина уларнинг баҳосини англайсиз, қадрига етасиз. Ирсияти чатиштирилган уруғликлар сизга неча пулга тушганини ўшандагина тушунасиз. Нима учун улар уруғларини бошда текинга беришларининг сабабини энди англагандирсиз?


Ҳа, текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади".

Бундай уруғликлар ишлаб чиқарувчи "Monsanto" ширкати Амриқо қишлоқ хўжалиги вазирлигига эмас, балки мудофаа вазирлигига тобе экани, ўрни, бу ясама уруғларни дунёга ёйиш вазифасини мудофаа вазирлиги елкасига олгани ҳам изоҳга оғажат қолдирмайдиган бир ҳолдир.

Кичкинагина хулоса

Энг лўнда хулоса шуки, бу ишларнинг таги шилта. Шилта бўлмаса, бу масала ҳозир бутун Оврупада, балки бутун дунёда бунчалик ("EURONEWS" кўрсатувини кузатиб боринг) қизгин тортишувларга сабаб бўлмас эди. Демак, ҳали кеч бўлмасидан туриб, биз ҳам бу муаммога эътиборимизни қаратайлик. Фанлар Академияси, Қишлоқ хўжалик, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Аграр университети, Уруғчилик илмий тадқиқот институти ва бошқа мутасадди идоралар уруғчилик соҳасида дунёда ва мамлакатимизда юзага келган вазиятни жиддий таҳлил қилиб, илмий хулосаларини берсинлар. Шунга кўра биз хотиржам ҳалта кўтариб бозорга тушайлик.

Қолаверса, тобора дунёни эгаллаб бораётган ясама уруғлар ҳақидаги тортишувлар қандай натижа билан тугашидан қатъи назар, асрлардан бери тупроқларимизга мослашган ва ота-боболаримиз асраб-авайлаб, бизгача етказиб келган ўзимизнинг жайдари уруғлар кейинги қисқа вақт ичида, шундоққина кўз ўнгимизда, йилдан-йилга йўқолиб бораётгани ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Бу йил ҳам бозорларимизда эски нав бодринг-памилдори ё тарвузлар яккам-дуккам кўринди. Кўзларимизга суртиб, уйларимизга олиб бордик, болаларимизга едирдик, эслатдик, танитдик. Лекин эртага-чи? Эрта бир кун тагин қўлда бўш ҳалта билан, бозорнинг қоқ ўртасида, бир хил бодринг, бир хил памилдори, бир хил олма, бир хил нок, бир хил тарвузлар қуршовида, тевааракка олазарақ қараб: «Ўзимизнинг "мармар"у "аштархон", "олачопон"у "қорачопон"лар қани?! Нашватию жоноқи, "олмаки"ю "ўзбекистон" қани?!» деб қолмайлик.



Энг охирги хабар!

Журналимиз тўла саҳифаланиб, босмаҳонага тушириляётган кун Русиянинг «Труд» газетида (2005 йил 29 нўябр сониди) мана бу қисқа хабар чиқиб қолди:

«Умумхалқ референдуми натижасига кўра, Швейтсария ҳукумати ирсияти ўзгартирилган маҳсулотларни мамлакатга олиб киришни, шунингдек, далаларида бу чатиштириб етиштирилган ўсимлик (уруғ)ларни экишни беш йилга тақиқлашга қарор қилди».